Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 22 (10.018). ● 1991 йил 31 январь ● пайшанба ● Баҳоси 6 тийин.

ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ ЕТИШИМИЗ КЕРАК

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ билан суҳбат

— Абдуғаниевич, бугун [illegible] ҳозирча ҳал этиб [illegible]ган масалаларнинг [illegible]сонийларидан бири — [illegible]аз ва республикаларнинг [illegible]заро муносабатлари [illegible]принциплари бўлиб қолмоқда. Сиз йирик республикалардан бирининг президенти сифатида мана шу принципларни ишлаб чиқишда энг муҳим масалалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Энг аввало, шуни айтишим керакки, мамлакат келажаги — агар истасангиз, барча [illegible]ларга эга бўлган, аммо шу ҳуқуқлардан бир қисмини марказга берадиган тенг ҳуқуқли республикалар ёки давлатлар иттифоқидадир. Фақат ўзимизгина кўпгина масалалар битта республика доирасида ҳал этиб бўлмаслигини тушуниб олишимиз учун пишиб етилишимиз лозим. Булар, масалан, коммуникациянинг ягона системаси, энергия таъминотидир.

Албатта, ўз армияларимизни тузишни ва ташкил этишни, эълон қилишимиз мумкин. Бироқ уларни таъминлаш, энг асосийси, замонавий ҳарбий техника билан жиҳозлаш, ҳарбий буюртмалар учун миллиардлаб сўмни тўлаш ва бу буюртмаларни ишлаб чиқиш, ўйлайманки, бугунги кунда мутлоқ кўпчилик республикаларнинг қўлидан келмайди. Мен ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бу иш бемаъни эканлигини гапираётганим йўқ. Умуман олганда эса ўнта ёки ўн бешта турли армиялар мавжудлигининг ўзи хавф-хатар туғдиради. Ҳозирги пайтда чет элларда ва ўнлаб мамлакатларда ўз элчихоналаримиз ва ваколатхоналаримизни барпо этиш учун реал имкониятлар йўқ, деб ҳисоблайман. Умуман эса, бунга ҳожат ҳам йўқдир.

Барча учун умумий бўлган муаммолардан ташқари минтақаларга хос муаммолар ҳам мавжудки, уларни якка-якка тартибда ҳал этиб бўлмайди. Мисол учун бизнинг минтақани олайлик. Мен бу ўринда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон жанубини назарда тутмоқдаман. Бу ерда юз минглаб ўзбеклар истиқомат қилади. Шу боис масалаларнинг бутун бошли мажмуи кўндаланг бўлиб турибди. У, энг аввало, орадан ўн беш йил ўтгач, минтақа аҳолиси икки баравар кўпайиши, яъни 60 миллион кишига етиши билан боғлиқдир. Шунча аҳолини иш, уй-жой, сув билан қандай қилиб таъминлаш мумкин? Маълумки, бу пайтга келиб сув суғориш у ёқда турсин, ҳатто маиший-рўзғор эҳтиёжларига ҳам етмай қолади.

Айнан Иттифоқ минтақа республикалари куч-ғайратларини мазкур узоқ муддатли ва ниҳоятда қийин масалаларни ҳал этишга сафарбар қилиши ва ушбу хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириб [illegible]ши мумкин. Ҳозирга [illegible]ушбу масалалар ком[illegible]да кўриб чиқил[illegible] Ҳар бир республ[illegible]ўдудида нималар[illegible]ишти. Лекин муам[illegible]умумий бўлганлигид[illegible]арни якка тартибда [illegible] этиб бўлмайди. Шу пайтгача биз бу йўналишда жиддий фундаментал тадқиқотларга эга эмасмиз.

Яна бир карра қайтариб ўтаманки, у ёки бу вазифаларни ва ҳуқуқларни марказга бериш зарур эканлигини ўзимиз тушуниб етишимиз керак. Акс ҳолда биз ваколатлар ва вазифаларни бир-биридан ажратиш тўғрисидаги баҳслар исканжасидан ҳеч қачон қутула олмаймиз.

— Шу муносабат билан сиз Иттифоқ шартномасини имзолаш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Менинг фикрим шундай: агар марказда амалда шартномани энг аввал бошданоқ имзолашни истаганларида эди, бу шартнома имзоланган бўларди. Ахир, мамлакат раҳбарияти бир йилга етар-етмас муддат олдин янги Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясига салбий муносабатда бўлган эди-да. Ўша пайтда аввалги, 1922 йилда имзоланган шартнома турганда, биз учун янги шартноманинг нима кераги бор, эски шартнома ҳаммани қониқтиради, фақат уни янгилаш керак деб, неча марталаб таъкидланган эди.

— Кейин эса янги шартнома лойиҳаси пайдо бўлди. У маслаҳатлашувлар пайтида келишиб олиш жараёнидан ўтди. Ҳар ҳолда Ўзбекистонни ҳозирнинг ўзидаёқ Иттифоқ шартномасини имзолашга тайёр турган бир нечта республика қаторида тилга оладилар.

— Мен, ушбу маслаҳатлашувлар нима берди, умуман улар нима учун керак эди, деб савол бермоқчиман. Гап шундаки, марказда расмий жиҳатдан гапларимизга қулоқ солган бўлсаларда, кейин эса ҳеч нима бўлмагандек шартноманинг ўзлари яратган вариантини тиқиштирдилар. Унда биз таклиф этган нарсаларнинг биронтаси ҳам ҳисобга олинмаган.

Бу тадбир карларнинг мулоқотини эслатади. «Келишиб олиш»нинг бундай жараёни чексиз-чегарасиз давом этиши мумкин.

Хуллас, мен, шартномани имзолашга тайёрмиз, деб айтиш учун ҳозирча асос йўқ, деб ҳисоблайман.

— Сиз ўз нутқларингиздан бирида марказда номаълумликни сақлаб қолишдан манфаатдор кишилар бор, деб айтдингиз. Хўш, улар кимлар эканлигини аниқлаш мумкинми?

— Энг аввало, бу кишилар унитар давлат қолдиқларини зўр бериб сақлаб қолишни истовчилардир. Улар бизларга ўзларининг Иттифоқ тўғрисидаги қарашларини зўр бериб тиқиштирмоқдалар.

Биздаги тартиб узоқ йиллар мобайнида алоҳида синфни — бошқарувчилар синфини шакллантирди. Бу синфнинг моддий оқимларни тартибга солиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ҳуқуқи фақат уларгагина тегишли эканлигига ишончи комилдир. Бундай шахслар қўлга киритган ҳокимиятларини ўз ихтиёрлари билан ҳеч қачон бериб қўймайдилар.

Мен шундай фикрдаман: агар биз ҳақиқатан ҳам бозор муносабатларига ўтишни истар эканмиз, маъмурий системанинг энг асосий воситаси ва таянчи бўлган Давлат режа қўмитасини тубдан ислоҳ қилишдан ташқари, айни пайтда кўпгина Иттифоқ тармоқ вазирликларини тугатишимиз лозим. Чунки, бу вазирликларнинг фаолиятини амалда республикаларда ҳам такрорлашяпти. Биз шундай қилсак, ишонингки, ҳеч қандай фалокат юз бермайди.

— Бир пайтлар республика Молия вазирлигига, сўнгра эса Давлат режа қўмитасига раҳбарлик қилган кишининг бундай таклифи ишончли кўринади.

Ислом Абдуғаниевич, Иттифоқ шартномаси мавзунга қайтар эканмиз, яна бир нарсани сўрашни хоҳлардим: янги шартнома тайёрланаётганда айнан қайси таклифлар ҳисобга олинмаган?

— Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча табиий бойликларга ҳамда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эгалик қилиши керак. Бу асосий талабдир. Аммо гап бу талабларнинг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслигида ҳам эмас. Шу пайтгача Иттифоқ қандай бўлади-ю, унинг «муассислари» қанча бўлиши керак, деган масалада ҳам келишиб олингани йўқ. Ўзини иттифоқдош республика деб ҳисоблаётган ёки шундай бўлишни истовчилар кўпайиб бораяпти. Мухториятларнинг бу интилишини Олий Кенгаш раҳбарияти фаоллик билан қўллаб-қувватламоқда. Эҳтимол, бу тўғридир. Аммо федерация субъектлари миқдори мунтазам суратда кенгайиб борадиган бўлса, у ҳолда бизда қачонлардир ўзаро келишиб олиш имконияти умуман бўладими, йўқми?

Айни пайтда ўтган Съездда ва сессияда бизларни қўндириш учун кўп уринишди. Иттифоқ шартномаси ҳамма нарсани кўзда тутган, тезроқ уни имзоланглар, деб ҳоли-жонимизга қўйишмади. Боз устига биз, республикаларнинг раҳбарларига қарама-қарши қилиб Иттифоқ парламентини қўйишга ҳаракат қилишди. Эҳтимол, четдан қараганда бу сезилмаган бўлиши мумкин. Аммо мен шахсан буни яхшигина ҳис этдим. Ҳамма вақт, шартнома барча учун зарур, улар эса, яъни, бизлар уни ушлаб турган эмишмиз, қандайдир шартлар қўйиб имзоламаётган эмишмиз, деган тезис кўндаланг бўлаверди.

Масалан, «Союз» гуруҳи вакилларидан бири минбарга чиқиб олиб, ҳе йўқ, бе йўқ, мустақиллик ҳақидаги гап-сўзларни тўхтатинглар, деб чўрт кесди. Гўёки, мустақиллик халқларнинг қонуний тарзда ифоделанган иродаси эмас, балки айрим саркорларнинг ўйлаб топган бўлмағур нарсаси эмиш.

Ўзларини синф ёки ижтимоий гуруҳлар билан биргамиз, биз, ишчилармиз... биз, ҳарбийлармиз... биз, ҳайдовчилармиз... дея айюҳаннос солган айрим депутатларнинг нутқларини эшитар экансан, бизда сафсатабозлик нега бунчалик авж олиб боряпти, деб ўйлаб қоласан киши. Булар шунчаки, сафсата эмас, балки ниҳоятда агрессив, ижтимоий жиҳатдан хавфлидир. Улар янги тўқнашувларга олиб боришдан бошқа ишга ярамайди.

— Бошқа берк кўчадан чиқиш йўли борми?

— Менинг фикримча, Шаталин дастурида, шубҳасиз, мантиқли қисм бор. У иқтисодий битимга келишдир. Биз бу ғояни тўла-тўкис қўллаб-қувватладик. Аммо ушбу дастурдаги «карахтлик терапияси»га қўшилмадик. Мен шунга аминманки, бундай «терапия» Ўрта Осиё шароитларига тўғри келмайди. Нисбатан яқиндагина иқтисодий битимларни имзолаш учун реал шароитлар бор эди. Бу шартномага ҳатто Болтиқбўйи республикалари ҳам қўшилиши мумкин эди. Эндиликда эса, айниқса, Болтиқбўйидаги сўнгги воқеалардан сўнг бу имкониятлар бой берилди.

— Сиз умуман олганда Литва ва Латвияда рўй берган воқеаларни қандай баҳолайсиз?

— Биз бу масалани ўзимизда, Олий Кенгашда муҳокама қилдик. Шахсан мен мустақиллик у ёки бу кишиларнинг ҳуқуқларини камситиш, «бегона» ёки «бошқа» халқларни қисиб чиқариш асосида қўлга киритиладиган бўлса, бундай мустақиллик тарафдори эмасман. Лекин, бир томондан — конституцион нормалар, инсон ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, бошқа томондан — муросасизлик, тоқатсизлик юз берса, бундай мустақиллик тўғрисидаги қоидага ҳам қўшила олмайман. Айрим сиёсий ва жамоат ташкилотларининг тоқатсизлик қилиб маркази арзномалар ва қатъий талабларга кўмиб ташлашларини, айниқса, қўллаб-қувватламайман.

Агар жамиятдаги партия ёки жамоат ташкилоти армияга мурожаат қилиш, ўз манфаатларини ҳимоя этиш учун куч ишлатадиган бўлса, бундай жамиятнинг ҳолига вой. Бундай жамиятда адолатни қарор топтириб бўлмайди. Унда диктатурага йўл очилади. Биз ана шундай хатти-ҳаракатлар билан диктатурага йўл очиб берган бўламиз.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистонни консерваторлар жумҳуриятлари деб атаётганликларини айтсам, сиз учун ҳеч қандай янгилик бўлмаслиги мумкин? Республика Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида бозор муносабатларига ўтишнинг тасдиқланган дастури мана шундай баҳо учун асос беради. Бозорга босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи мазкур дастурни туб ўзгаришлар ясовчи ҳужжат деб бўлмайди. Менинг билишимча, сизнинг ўзингиз бозорга ўтишни жадаллаштиришга қарши бир неча марта фикр билдиргансиз.

— Қизиқ, нима учун ҳозир ҳеч ким бизнинг «ўта илғор» бўлган пайтларни эсламайди? Албатта, биз ўз хоҳишимизга зид ўлароқ феодал тузумдан капитализмни четлаб ўтиб, бирата ўтиш социализмга, яна нима денг, ривожланган социализмга ўтказилган эдик. Бизнинг мисолимизда бутун бошли тарихий босқичларни қандай қилиб тезликда ҳатлаб ўтиш мумкинлигини кўрсатиш учун учинчи дунё мамлакатларидан делегацияларни республикамизга бетўхтов олиб келишарди. Бироқ, тарихни алдаб бўлмайди. Каллага ақлли фикр келди, дарров жамият тараққиётида янги даража бошланди, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Консерватизмдан халос бўлиш учун капитализмнинг «азоб-уқубатли» босқичини ўтиш керак. Капитализм эса ўзига хос бўлган барча нуқсонлари билан бирга иқтисодиётни қайта ўзгартиради, энг муҳими эса тафаккурни ўзгартиради.

«Сакраб ўтиш» ғояси эса (бу ғоя юзасидан неча ўнлаб диссертациялар ёқланган) республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлди. Жумҳурият иқтисодиётида бир томонлама пахта яккаҳокимлиги қарор топди. Турмушнинг деярли барча соҳаларида бошқа хато ва нуқсонларни келтириб чиқарди.

Бироқ, бошқа томондан эса, ҳозирча хусусийлаштириш тўғрисида гап сотилаётганда, айнан бизда, «консерваторлар» жумҳуриятида дастлабки хусусий корхоналар пайдо бўлди. Биз дўконларни ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштиришни бошлаб юбордик. Фақат ўтган йилнинг ўзида 170 минг гектар ерни оилаларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижарага бердик. Биз бу рақамни ярим миллион гектаргача етказмоқчимиз. Сўнгги пайтларгача ерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизида деҳқончилик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизигача берганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ерларнинг умумий салмоғида бундай участкалар ҳажми қандай тош босишини, улар икки баравардан кўпроқ ошишини билиб оламиз.

Умуман фақат хусусий мулк эгасигина ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одамгина меҳнатни сева олади. Ҳеч нима — на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан хийла хавфли бўлади. Бунга имоним комил.

Биз ўтган йил апрелдан бошлаб давлат-кооператив корхонаси мақомига эга 170 та район маиший комбинатлари ташкил этдик. Уларга бемалол эркин ҳаракат қилишлари учун шароит яратилди. Бу комбинатлар амалда барча ишларни бажарадилар. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш билан бирга айни пайтда биз учун ниҳоятда муҳим бўлган иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал этади.

— Ҳар ҳолда иқтисодиётни тубдан эмас, балки аста-секинлик билан ислоҳ қилиш негизида чуқур иллат бор. Аввал битта-яримтага, кейин бошқаларга, сўнгра эса учинчиларга бозор эркинлигини берар экансиз, сиз бозорга ўтаётган жамиятнинг ўша қисмини камситган бўласиз. Бундай камситиш эса ижтимоий тиғизликнинг деярли кафолатланган манбаидир.

— Назарий жиҳатдан мен сиз билан ҳамфикрман. Барча нархларни ёки кўпгина нархларни биратўласи ошириш яхши бўлиши тўғрисидаги фикрга ҳам қўшилишим мумкин. Кейинчалик бу нархлар бозор рақобати таъсирида туша бошлайди. Бироқ назарий асослар нақадар тўғри бўлмасин, бизнинг тузумимиз кўплаб боқимандаларни тарбиялаб етиштирганлигини унутмаслик керак. Бу боқимандалар турли кафолатлар ва қонунлар йўл қўйиб бериши туфайли юзага келган, эндиликда умуман яхши ҳаёт учун бозор курашида қатнашишни истамайдилар. Улар кескин ўзгаришларга тайёр эмаслар, аксинча, ўзгаришларга етарли даражада самарали қаршилик кўрсатадилар, деб ўйлайман.

Бундан ташқари бозорга ўтиш йўлларини танлаганда ўзимизга хос хусусиятларни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди. Мен ўз иш жойимда ҳар бир кунни иқтисодиётдан ёки сиёсатдан эмас, балки республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан бошлайман. Энг аввало, уёқ-буёқда тўқнашувлар, муштлашувлар бўлган-бўлмаганлиги, одамлар жабр кўришганмийўқми, энг муҳими можарода қайси миллатлар кишилари қатнашганлиги билан қизиқаман. Бу ерда осойишталикка осонликча эришиб бўлмайди. Жуда кичик бўлсин, агар шундай тушунча умуман ўринли бўлса, — озгина қон тўкилса ҳам бунинг оқибати катта бўлади. Агар одамларни ғазаб ва нафрат, ўч олиш иштиёқи қамраб олса, ҳар қандай режалар, ҳар қандай олижаноб ниятлар, барча ислоҳотлар сариқ чақага ҳам арзимайди. Ўрта Осиёда фақат барқарорлик шароитидагина олға қараб ҳаракат қилиш мумкин.

— Республика дуч келаётган кўпгина муаммоларни у ёки бу даражада Рашидов номи билан боғлашади. Бошқа томондан эса, айтишларича, Ўзбекистонда раҳбарлик қилиб турган пайтидаги унинг роли қайта кўриб чиқилмоқда, унинг обрў-эътиборини тиклашга интилмоқдалар.

— Рашидовга нисбатан муносабат Ўзбекистон Компартияси XXII съездида, республика Олий Кенгашининг учинчи сессиясида белгилаб берилган. Мен бу баҳоларга қўшиламан. Бу баҳоларнинг моҳияти шундан иборатки, Рашидов шахсиятини у яшаган ва ишлаган даврдан айрича ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий тангликдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, агар у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бу кишини партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлсада қутилиш учун, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзларидан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто ота-оналари вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки «шошилинч» командировкага кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди?

Бинобарин, динга нисбатан иккиюзламачилик энг хунук шакллар тусини олди. Республиканинг қўшни Афғонистон телекўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлган бир ярим миллион аҳолиси у ерда Совет Армияси масжидлар қураётганини ёки қайта тиклаётганини ўз кўзлари билан кўриб туришди. Бу пайтда эса бизда масжидлар бузиб ташланди. Бу 1988 йилгача давом этди.

— Мен сизнинг фикрингизга қўшиламан. Лекин бунинг Рашидов муаммосига қандай алоқаси бор?

— Жудаям бевосита алоқаси бор. Пахта билан боғлиқ 24 мингта жиноий иш қўзғатилганда, ҳақиқий жиноятчилар билан бирга уларнинг қурбонлари ҳам бараварига қамоққа олинди. Бизнинг раҳбарларимиз эса Москвага пахта плани бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида ҳисоб бергандай шунча минг киши ҳибсга олинди, шунча-шунчаси партиядан ўчирилди, мазмунида мунтазам равишда ахборот бериб турдилар.

— Шундай бўлсада, жазоланганларнинг ҳаммаси ҳам ноҳақ қамалмаган-ку?

— Тўғри. Бироқ бу нарса айбсиз кишиларни таъқиб этишни оқлай олмайди. Айбсиз таъқиб этилганлар эса юзлаб ва минглаб кишилардир. Биз фақат кейинги пайтнинг ўзида айбсиз ҳукм қилинганларга, ҳозир эса қамоқдан озод этилганларга, оқланганларга бир ярим миллион сўм пул товон тўлашга мажбур бўлдик.

— Нима десак деяйликку, турғунлик ёки ўзгача йилларда рўй берган воқеа-ҳодисаларни кечириш ёки унутиш — босиб ўтилган йўлни қайтариш имконияти учун замин тайёрлаш бўлади.

— Тўғри, лекин нима учундир Брежнев тўдасидан айнан Рашидовни бошқаларга қараганда кўпроқ эсга олмоқдалар. Унинг кўзга кўринган бошқа сафдошлари ҳозир ё жамоатчилик диққат-эътиборидан четда бемалол яшамоқдалар ёки ҳатто фаол сиёсий ҳаётга қайтдилар. Биздагилар бундай «номутаносиблик»да адолатсизликни кўрмоқдалар.

— Агар саволим сизга қўполроқ туюлса, мени кечиринг. Бироқ бazи ислоҳотчиларингиз Рашидовга нисбатан сиздаги маълум вазминликни ўз қўлингизда жуда кўплаб раҳбарлик лавозимларини жамлаганлигингиз билан боғламоқдалар. Сиз ҳам Президент, ҳам республика маҳкамасининг бошлиғи, ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котибисиз.

— Менинг фикримча, ўтиш даври ҳамда мамлакатда ва республикамизнинг ўзида қарор топган хавфли вазият шундай қилишни тақозо этди. Унинг энг асосий сабаби шундадир.

Мен шу маънода Иттифоқ даражасида бошқарув структурасини қайта ташкил этишни қўллаб-қувватлайман. Шундай қилинса, у юзага келган вазиятга энг кўп даражада жавоб берган бўлади.

— Сиз шу туркумдаги барча чора-тадбирларни маъқуллайсизми?

— Ҳаммасини эмас. Масалан, СССР Президенти ҳузуридаги Назорат палатаси, унинг жойлардаги мухтор вакиллари вазифаларини тўла-тўкис тушуниб етганим йўқ. Бу нима, улар «оқ пошшо» ёки генерал-губернатор вакилларига ўхшайдиган кишиларми?

Шунга ишонаманки, биз кучли федерацияда яшашимиз мумкин ва яшаймиз ҳам. Янгиланган негиздаги бу бирлашма тезроқ ва ҳеч кимга оғир тушмаган шаклда вужудга келиши учун бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўладиган шериклик муносабатлари зарур. Бундай муносабат ҳам ёнламасига, ҳам бўйига бўлиши керак.

Суҳбатни «Известия» махсус мухбири М. БЕРГЕР олиб борди.

(«Известия», 1991 йил 29 январь).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий бузғунчилик, ўғирликлар, пораҳўрликка, фуқароларнинг ҳаётига, саломатлигига, ор-номусига, қадр-қимматига, мол-мулкига тажовуз қилишларга ва бошқа жиноятларга қарши курашни қатъиян кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги СССР халқ депутатлари тўртинчи съезди қарорларига амал қилиб, СССР Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида»ги 1990 йил 23 ноябрь қарорининг 4-бандига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. СССР Президенти ҳузурида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш комитети тузилсин.

2. Ўртоқ Юрий Владимирович Голик СССР Президенти ҳузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш комитетининг раиси этиб тайинлансин.

3. Ўртоқ Ю. В. Голикка комитетнинг таркиби, унинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолият тартиби тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 29 январь.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

29 январь куни СССР Вазирлар Маҳкамаси халқ хўжалиги базавий тармоқларининг ишини барқарорлаштириш ва мазкур тармоқларни ривожлантириш тадбирларини муҳокама қилишни давом эттирди. Кўмир саноатининг жорий ва истиқбол масалалари кўриб чиқилди. Бу тармоқ мамлакат барча ёқилғи-энергетика ресурсларининг таҳминан 20 фоизини таъминлаб турибди. СССР Бош вазири В. С. Павлов раислигида ўтган мажлисда унинг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, иттифоқдош жумҳуриятларнинг вакиллари, ССР Иттифоқи кўмир қазиб чиқарувчи асосий минтақаларидаги кўмир қазиш ва бойитиш ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бош директорлари, шахта қуриш комбинатларининг бошлиқлари, машинасозлик заводларининг директорлари қатнашдилар.

Мажлис қатнашчиларининг диққат эътибори тармоқнинг ҳозирги қийин аҳволи сабабларини таҳлил этишга, бундай аҳволдан қутилиш йўлларини излашга, 90-йилларда кўмир саноатини ривожлантириш стратегиясига қаратилди. Корхоналарнинг 1991 йил учун қабул қилган режалари халқ хўжалигининг ҳақиқий эҳтиёжларидан камроқ экани қайд этилди, бу ҳол бир қанча тармоқларнинг, аввало энергетика ва металлургиянинг ишига, шунингдек аҳолининг коммунал-маиший эҳтиёжларини қондиришга салбий таъсир қилмоқда. Вазиятни тубдан ўзгартириш учун кўпдан-кўп муаммолар мажмуини, шу жумладан молиявий ресурслар билан таъминлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни кўпайтириш, янги техника тайёрлаш ва етказиб беришни жадаллаштириш, моддий-техника таъминотида, аввало мустаҳкамлаш ишлари учун зарур бўлган ёғоч ва металл таъминотида тартиб ўрнатиш муаммоларини ҳал этиш лозим бўлади, дейишди нотиқлар. Ижтимоий масалалар ҳамон ўткир бўлиб турганлиги, бу эса меҳнат жамоаларида кескинликни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди.

Кўпгина нотиқлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар, меҳнат интизоми пасайиб кетганлиги, иш кучининг қўнимсизлиги кўплиги оқибатида кўмир қазиб олиш камайиб бораётганини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан кончилик меҳнатининг обрў-эътиборини ошириш тадбирларини кўриш зарурлиги таъкидланди.

Сўзга чиққан нотиқлар, шу жумладан жойлардан келган вакиллар ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг кўмир қазиб чиқариш тармоғига бир марказдан раҳбарлик қилишни сақлаб қолиш тарафдори эканликларини билдирдилар, шу билан бирга улар иттифоқ вазирлигининг вазифаларини ҳаёт тақозосига қараб ўзгартиришни, унинг жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларини ўзгартиришни, корхона ва бирлашмаларнинг мустақиллигини кенгайтириш йўлида аниқ-равшан тадбирлар кўрилишини кўзда тутиш лозимлигини айтдилар.

Муҳокама якунлари юзасидан кўмир саноатининг ишини тезроқ барқарорлаштиришни ва кейинги йилларда унинг узлуксиз ривожланишини таъминлай оладиган қарорлар тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди.

СССР Президенти М. С. Горбачев мажлис қатнашчилари билан учрашди. Кўмир қазиб чиқариш тармоғини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан аниқ-равшан суҳбатлашиб олинди.

(ТАСС).

НАРХ-НАВО ИСЛОҲОТИ: МИШ-МИШЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Сўнгги кунларда оммавий ахборот воситаларида 1 февралдан бошлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик зарур буюмлар нархининг анча оширилиши эслатилди. Бунга «ишонарли тафсилотлари билан» миш-мишлар қўшилмоқда. ТАСС мухбири вазиятни аниқ тушунтириб беришни илтимос қилиб, СССР Давлат нарх комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Коминга мурожаат қилди.

— Бизнинг фикримизча, нарх-навони ислоҳ қилиш зарур, — деди Анатолий Николаевич. — Нархни ислоҳ қилишдан воз кечиш қайта қуриш даврида бир вақтлар йўл қўйилган энг қатта хато бўлди. Натижада биз ҳали ҳам эскирган, самарасиз нарх системасига амал қилаяпмиз. Миш-мишларга келганда эса ҳозирги пайтда бундай гапларнинг кўпайиши ижтимоий кескинликка интилиб, аҳолини бозор билан мунтазам чўчитаётган кишиларга фойдалидир.

Нархни ислоҳ қилишнинг аниқ муддатлари ҳали маълум эмас, бу масала федерация кенгашида муҳокама қилиниши лозим.

1 Тошкент ҳақиқати ШЎРОЛАР ҲАЁТИ БЎЛИМИ

ҲОКИМИЯТ-ШЎРОЛАРГА

• Сўз—бўлим мудирига •

БИЗ ҲАЛИ ҚАРЗДОРМИЗ

ОЧИҒИ, бу ҳисоботнома сатрларни ёзишдан олдин жуда қийналдим. Тўғри, журналист учун ўтган йили қилинган ишларни ва келгуси режаларни санаб ўтиш унчалик мураккаб иш эмас. Лекин ана шуларни айтиш учун у муштарийлар олдида маънавий ҳуқуққа эга бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бир мактуб муаллифи, мамлакатимизда қайта қуриш бошлангандан буён биз фақат ўз-ўзимизни танқид қилишга, камчиликларни, муаммоларни санаб ўтишга устаси фаранг бўлдик холос. Аммо ана шу нуқсонларни ким тузатиши керак, деган саволга ҳеч ким жавоб бермайди, деб ёзганида минг карра ҳақ эди. Келинг, азиз муштарийлар, мен ҳам сизларга бўлим олдида турган қаторқатор мавзуларни, унутилаётган масалаларни санаб ўтирмайин-да, имкониятимиз даражасида амалда бажаришимиз мумкин бўлган, назаримда кенгашлар ҳаётининг асосий бўғинларини қамраб оладиган мавзуларни ўртага ташлайқолай.

Шундай қилиб, 1991 йилда «Кенгашлар ва қайта қуриш», «Маҳалла қўмиталари ҳаётидан», «Сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилмоқда?», «Депутат билан мулоқот», «Депутатлар ҳақида ҳикоялар» каби сизларга таниш бўлган доимий рукнлар остидаги хилма-хил мақолалар, хат-хабарларни мунтазам бериб боришни режалаб қўйдик. Сизлардан келаётган мактублар бу рукнларнинг талабга нисбатан бўлса ҳам жавоб бераётганлиги учун уларни давом эттиришни лозим топдик. Шунингдек Сизларни вилоят кенгаши Раёсати, унинг доимий комиссиялари, вилоят ижроия қўмитаси ва халқ назорати қўмитаси йиғилишларида муҳокама этилаётган масалалар билан ҳам таништириб борамиз, албатта. Янги йилда булар олдига: «Депутат ҳисоб беради» рукни ҳам қўшилади. Зеро янгича бўлиб ўтган сайловларда муқобил номзодлар ичида халққа катта-катта ваъдалар бериб овоз олган депутатларимиздан ҳисобот сўрашга ҳақлимиз энди. Шундай эмасми?!

Бундан ташқари сизлардан келаётган мактублар Шўроларнинг қуйи бўғинларида ишнинг, қайта қуришнинг ниҳоятда суст бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун юқоридан пастроққа ҳам тушмоқчимиз. Рўзномадаги чиқишлар билан қуйида ҳам ҳокимиятни Шўроларга қайтариш учун ҳисса қўшиш ниятимиз бор. Ўйлайманки, бу борада сиз, азизлар бизга кўмак берасиз.

Маълумки, Иттифоқ, жумҳурият миқёсида халқимиз учун, унинг ҳаёти билан боғлиқ муҳим бўлган қатор-қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Афсуски, ана шу қонунлар мажмуасининг моҳияти билан сизларни тўла таништира олмаяпмиз. 1991 йилда бўлим бу нуқсонни ҳам тузатиш ниятидадир.

Албатта, янги йилда ҳам сиз муштарийлардан келаётган, куюнчаклик билан ёзилган мактублар, Шўролар ишини қайта қуришга муносиб ҳисса қўшаётган кишилар ҳақидаги лавҳа, очерклар ҳам рўзнома саҳифаларидан ўрин олади.

Чамаси истабми, истамайми яна кўп ва катта ваъдалар бериб юбордим, шекилли. Аммо бир нарса аниқ. Ҳокимиятни Шўролар тезроқ олишлари керак. Бунга ҳисса қўшиш, уларнинг қуйидан юқоригача ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишларига кўмак бериш, бу йўлдаги ғовларни олиб ташлаш учун сиз муштарийлар билан ҳамкорликда ҳамма ишни қилишимиз шарт ва лозим. Ана шундагина биз ишончни оқлаган, сизга берган ваъдаларимизни устидан чиққан бўламиз. Ҳозирча биз сиздан қарздормиз.



Ф. МУҲИДДИНОВ,
рўзнома Шўролар ҳаёти бўлимининг мудири.

• Муштарий мулоҳазалари •

ҲАШАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУ ЯХШИ УДУМИ НЕГА УНУТИБ ҚЎЙИЛМОҚДА?

ЗАМОНАМИЗ кўп қизиқ бўляпти-да. Бунда қайта қуриш катта роль ўйнаяпти, десак муболаға бўлмайди. Чунки қайта қуришнинг дастлабки даврида илгари қилинган барча ишларни хоҳ у яхши бўлсин, хоҳ у ёмон бўлсин, барини ёмон отлиққа чиқардик. Қисқаси, бирнинг касри мингга урди.

Назаримда кейинги пайтларда қайта қуриш, деб фақат йиғилишлар-у гапдонликка берилиб кетгандаймиз. Бўлмаса оёғимиз остидаги воқеа-ҳодисаларни, тартибсизлиг-у, нуқсонларни кунда-кунора кўравериб кўзимиз кўникиб кетармиди.

Мен қуйида фақат бир нарса —вилоятимиз ҳудудидаги сув ҳавзаларининг ночор аҳволи ҳақида фикр юритмоқчиман, холос. Қани, айтинг-чи, яқин ўртада илгарилари қониб-қониб сув ичадиган ўша ариқ ва каналларимизнинг бугунги аҳволини кўрганмисиз? Кўргансиз. Фақат бош чайқаб «эҳ, аттанг», дейишдан нарига ўтмаймиз. Шунинг ўрнига маҳаллада, қишлоғимизда, ноҳиямизда, вилоятимизда бундай ачинарли аҳволнинг олдини олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Тошкент вилоятида жуда сув ҳавзалари кўп. Пском, Угом, Чирчиқ, Жўн, Шимолий Тошкент, Бўзсув, Қорақулдуқ, Қорасув ва ҳоказо дарё, канал ҳамда анҳорлари буларнинг катта-катталари, холос. Улардан оқаётган сув билан тонна-тонна пахта, каноп, сабзавот ва ширин-шакар меваю-полиз маҳсулотлари етиштираяпмиз.

Юқорида санаб ўтган дарё ва каналларимизнинг бугунги аҳволини яқиндан туриб, юракдан кузатдингизми? Мен эса кузатдим. Юрак бағрим эзилиб кетди.

Вилоятимиз теграсидаги ҳар бир ноҳия ва шаҳар аҳолисининг кекса ёшли кишилари билан суҳбатлашсангиз, улар илгари ана шу оқар сувларда қўл чайишга ийманишларини айтишади.

Коммунистик, Ўрта Чирчиқ, Калинин, Янгийўл, Пискент, Бўка қўйинг-чи, вилоятимиздаги барча жамоа ва давлат хўжаликларининг деҳқонлари ана шу оқар сувлардан мавсумда хўп фойдаланадилар-у, кейин эса ариқ ва каналларни ўз ҳолига ташлаб қўймоқдалар. Ўша ноҳиялардаги меҳнаткаш деҳқонларимиз кунда-кунора ариқ ва зовурларга кўзи тушади. Наҳот энди уларни бу бефарқ қолдирса.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ана шу ариқ ва каналлардан — ҳаёт томирларидан фойдаланиб-фойдаланиб ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз инсофданми? Албатта, бу инсонийликка, ўзбекчиликка ёт бўлган нарса-ку.

Илгари ҳашар деган жуда яхши, оқилона удумимиз бор эди. Бугунги кунга келиб шуни унутиб қўймадикми? Унутдик. Ҳозирги нуроний отахон ва онахонларимиз, ҳурматли акахонларимиз азим Фарғона каналини 45 кунда, Шимолий Тошкент каналини, Фарҳод ва Чорвоқ ГЭСларини қисқа муддатларда бунёд этганликларини фахр билан ёдга оладилар. Албатта, бундай улкан ишлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қани энди ана шу ҳашар йўли билан ариқ ва каналларимизни бугунги ачинарли аҳволдан халос эта олсак, нур устига аъло нур бўларди.

Тўғри, бу ариқ ва каналлар устидан маош олиб кун кўрувчи вилоят, ноҳия сув хўжалиги ташкилотлари бор-ку, дейишимиз мумкин. Аммо, бу ташкилот ўз вазифасини бажармаса, зилол сув оқадиган ариқ-зовурларимиз ахлат билан тўлиб тошаверса ҳам индамай қараб турсак бўлмас. Шу кунларда ариқларда сув тўхтаган дамларда кўпчиликнинг вақтини ҳисобга олиб, шанба ва якшанба кунлари халқимизнинг тарихий удуми ҳашарни ўтказсак бўлмайдими?!

Вилоят ва ноҳия ижроия қўмиталари, хўжалик раҳбарлари, ҳурматли отахонларимиз, депутатларимиз, қолаверса, атроф-муҳит мусаффолиги учун қайғураётган вилоят ва ноҳиялардаги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, қўйинг-чи, вилоятимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бўлган барча аҳолиси мана шу хайрли ишда иштирок этиб, савоб ишга ўз ҳиссаларини қўшсалар нур устига аъло нур бўларди.

Бу ҳашар ариқ ва каналларимизни ҳар хил чиқитлардан, кўнглимизни ҳар хил ғуборлардан ҳалос этади, деб ўйлайман.

Келинг, азиз биродарлар, ҳаммамиз бир бўлиб, биргаликда ҳашар гаштини сурайлик!

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, ВАЗИФА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ВА ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАН

ХАЛҚ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлисида вилоятимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича 1990 йил режасининг бажарилиши якунлари ва 1991 йилдаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят партия қўмитаси котиблари Ш. О. Дадабоев, В. Г. Гордиенко, вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосарлари Л. П. Тернових, Д. Н. Жаҳонгирова, вилоят агросаноат уюшмаси раисининг ўринбосари М. Қ. Қодиров ўртоқларнинг ахборотлари тингланди.

Гап қишлоқ хўжалик йили якунларини таҳлил этишдан бошланди. Тўғрисини айтиш керак, 1990 йил якунлари деҳқонларни ҳам, мутахассисларни ҳам қониқтирмади. Одатда қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволига 15 та кўрсаткич бўйича баҳо берилади. Ўтган йили вилоятда шу кўрсаткичлардан фақат 6 таси бажарилди, холос. Биргина Оҳангарон ноҳиясида картошка, сабзавот, полиз каби муҳим турлар бўйича маҳсулот тайёрлаш режалари бажарилмай қолди. Бундай қолоқлар касрига вилоятда картошка харид этиш давлат буюртмаси 60,1 фоизда қолиб кетди. Бошқа соҳаларда ҳам аҳвол яхши бўлмади. Оқибатда эл дастурхонига 130 минг тонна деҳқончилик маҳсулотлари кам етказиб берилди.

Шунга қарамай, 1991 йил ҳосили учун тайёргарлик ишлари ниҳоятда суст олиб борилаяпти. Айниқса, уруғлик тайёрлаш ишлари қониқарсиз аҳволда. Ўтган йили уруғлик учун ажратилган 22,5 минг тонна картошканинг 5 минг тоннаси қаровсиз қолганлиги оқибатида чириб кетибди. Демак, картошка бу йил 1,5 минг гектарга кам экилади.

2200 гектарлик янги боғлар яратиш, мавжудларини эса ёш кўчатлар билан тўлдириш юзасидан топшириқлар ҳам бажарилмаяпти. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент ноҳияларида бу ҳол яққолроқ сезилаяпти. Техника ремонти, ерларни ўғитлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари лайсалга солиняпти.

Бу йил экинларни тўғри жойлаштиришга ва улар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Пахта якка ҳокимлиги ҳамон барҳам топмаяпти. Чигитни белгиланганидан кўпроқ майдонларга экиш, озуқа экинлари экиладиган майдонларни эса сунъий равишда қисқартириш ҳоллари сезилиб турибди. Бу йил пахтазорларни яна 15,5 минг гектарга қисқартириб, кўпроқ озуқа экинлари экиш, эл дастурхонини кўз-неъматларга тўкин қилиш режаланмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланишимиз керак.

1991 йилда деҳқончилик қатори чорвачиликда ҳам туб ўзгаришлар ясалиши зарур. Чунки, бу соҳадаги аҳвол кейинги пайтларда ниҳоятда оғирлашиб кетди. Ўтган йили давлатга 1989 йилга нисбатан қарийб 7 минг тонна гўшт, 4 минг тоннадан ортиқ сут, 22 миллион дона тухум кам сотилди. Бунга асосан хўжаликларда чорва моллари сонининг йил сайин камайиб бораётганлиги сабаб бўлди. Беш йил давомида вилоят бўйича ҳар 4 сигирнинг бири турли хил баҳоналар билан сўйиб юборилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида фермаларда салкам 9 минг бош қорамол камайиб кетди.

Кўпгина хўжаликларнинг чорвадорлари бошқа жумҳуриятлардан катта маблағлар эвазига олиб келинган молларни ҳам кўнгилдагидек парвариш қила олишмаяпти. Оқибатда улар касалликка чалиниб, тезда нобуд бўлаяпти. Фермалардаги шароитлар, ветеринария хизмати талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг оқибатида, Оҳангарон, Бўка, Коммунистик ноҳияларида моллар туёғи жуда ҳам тез камайиб бормоқда. Гўшт ва сут маҳсулотларининг тақчиллиги шундан келиб чиқаяпти.

Хўжалик раҳбарлари бу йил чорва молларини кўпайтириш устида алоҳида қайғуришлари лозим. Улар пахтага қандай муносабатда бўлсалар, чорвачиликка ҳам шундай муносабатда бўлмоқлари зарур. Фермалардаги аҳвол ҳар бешкунда муҳокама этиб борилиши, ютуқ ва камчиликлар аниқланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган амалий чоралар кўрилиши керак.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласи мажлисда такрор ва такрор тилга олинди. Ўтган йили бу соҳа билан жиддий шуғулланмаганлик оқибатида ҳозир чорва қишлови ниҳоятда қийинчилик билан ўтаяпти. Оққўрғон, Янгийўл ноҳияларидаги айрим жамоа хўжаликлари емхашакни бошқа вилоятлардан катта ҳаражатлар эвазига ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг оқибатида маҳсулот таннархи қимматлашиб боряпти.

1991 йилда ҳам шундай ҳол такрорланмаслиги учун озуқа экинлари экиладиган майдонларни кенгайтиришга, экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Сир эмас, кўпгина хўжаликларда озуқа экинлари парваришига панжа орасидан қаралаётганлиги учун ҳам ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент каби ноҳияларда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ерга атиги 42—90 центнер гўшт тўғри келаяпти. Ваҳоланки, вилоят бўйича бу кўрсаткич 187 центнерни ташкил этаяпти.

Мажлисда саноат, қурилиш, транспортдаги аҳвол ҳам чуқур таҳлил этилди. Бу соҳаларда ўтган йили баъзи ўзгаришлар рўй берган бўлишига қарамай, умумий аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси, шартнома мажбуриятларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 96,8 фоиз адо этилди. 112,7 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. 41 та корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятларни бажармади. Шартномалар бўйича энг паст кўрсаткич Олмалиқ шаҳри ва Калинин ноҳиясида қайд этилди.

Ўтган йили вилоят саноатида ҳар уч хил буюмдан бирини ишлаб чиқариш режаси бажарилмади. Олмалиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Калинин ноҳияларининг корхоналарида ишлаб чиқариш даражаси жуда ҳам пасайиб кетди. Темирйўлчилар эса кўмир, цемент, минерал ўғитларни юклаш, йўловчи ва юк поездларини жўнатиш жадвалининг бажарилишини таъминламадилар.

Мажлисда уй-жой, ижтимоий-маданий объектлар қурилишини пайсалга солаётган бинокорларга жиддий эътирозлар билдирилди. Ўтган йили ишнинг ёмон ташкил этилиши оқибатида 7 та мактаб фойдаланишга топширилмай қолди. Бу мактабларнинг 2 таси Калинин ноҳиясида қурилаяпти. Ғишт йўқ, деган баҳона билан ҳар иккала мактаб қурилиши у йилдан бу йилга чўзилиб келинаяпти. Ҳайронмиз, ахир, ноҳиянинг ўз ғишт заводи бор-ку. Чиқарилаётган ғиштлар қаёққа кетаяпти?!

Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам ниҳоятда сўсткашлик билан қурилаяпти. Ўтган йили шифохоналарни фойдаланишга топшириш режаси 41 фоиз бажарилган бўлса, поликлиникаларни ишга тушириш режаси эса 31 фоизда қолиб кетди. Қурувчилар, айниқса, Тўйтепа ва Пискент шаҳарларидаги шифохоналар комплексини чўзиб юборишди. Бу объектлар икки йилдан бери фойдаланишга топширилмаяпти. Назорат кучаймаса, талабчанлик ошмаса қурилишда бурилиш бўлмайди. Мажлисда қабул қилинган қарорда бу соҳадаги вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

Мажлисда кадрлар масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент вилоят Кенгаши Раёсати ва ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ Л. П. Тернових халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Т. А. Ботировга халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, А. А. Валиевга халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари — вилоят режа комиссиясининг раиси вазифаларини бажариб туришга руҳсат берилди. Уларни тасдиқлаш масаласи вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилади.

О. Й. Йўлчиев халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси миллатлараро муносабатлар бўлимининг мудири, Т. Каримов халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси уй-жой-коммунал хўжалик бўлимининг мудири этиб тайинландилар.

Мажлисни халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов олиб борди.

КОМИССИЯНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

29 январь куни Москвада СССР референдуми марказий комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР референдумини ўтказишни уюштириш ва таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳақида гаплашиб олинди. Бу референдум СССР Олий Кенгашининг қарорига биноан шу йилнинг 17 март куни ўтказилиши лозимлиги маълум. Референдумга тайёргарлик кўриш муддатлари чекланганлиги муносабати билан комиссиялар участкаларни ташкил этишга, овоз берувчиларнинг рўйхатларини тузишга, фуқаролар хоҳиширодасини бемалол изҳор этиши учун шароит яратишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан марказий, республика, округ ва участка комиссияларига мактубларнинг матнлари, тайёргарлик тадбирларининг кун-ой-йил режаси, овоз бериш учун бюллетенларнинг нусхаси, бошқа ҳужжатларнинг шакллари тасдиқланди. Референдум ўтказиш учун комиссиялар харажатларининг сметаси ва бу ишларни пул билан таъминлаш тартиби ҳам тасдиқланди. Биринчи галдаги барча масалалар амалий равишда ҳал қилинди, бу эса референдум ўтказишга тайёргарликни авж олдириш имконини беради.

Комиссия мажлисида СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг раиси Р. Н. Нишонов, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши миллий масала ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси Г. С. Таразевич, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС).

ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН!

БАРАКАЛЛА, ОТА ЎҒИЛ!

МАЪРУФ Эшмуҳамедов болалигиданоқ мўмин-қобил бўлиб ўсди. Ота-онаси унинг қалбида инсоний ҳислатларни мужассамлантиришга интилдилар. Отаси «Болам одамларга меҳрли бўл, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишни унутма» дея уқтирса, меҳрибон онажониси ҳамиша рост гапириш, ҳалол бўлиш, бировнинг оғирини енгил қилишга даъват этарди.

Маъруф мактабда ҳам, маҳаллада ҳам ширинсуханлиги, одоби, яхши аҳлоқи билан ҳавас қилса арзийдиган йигитча сифатида кўпчилик эътиборини қозонди.

Эндиликда Тошкент шаҳар Киров ноҳияси Қизил Ярим ой жамияти ноҳия комитети жамоаси дили шафқатга тўла йигитнинг ишчанлигидан, оқибатлилигидан ҳурсанд. Яқинда жамият идорасига 80 ёшли ёлғиз кекса Ксения Ефремовна Горянковадан хат келди.

— Мен кейинги пайтларда руслар ва ўзбеклар орасига қандайдир нифоқ солишга уринувчилар диққатига ўзимнинг дил сўзларимни айтиб қўйишни истардим. Етмиш беш йилдирки, ўзбеклар меҳрининг қайноқ тафтини шахсан ўзим ҳис этиб келаман. Инсоннинг қадрига етишда бу миллат кишилари олдида бош эгаман. Ҳозир улуғ ёшдаман. Юролмайман. Аммо ҳар куни соат 12 да менга бепул овқатни етказиб берадиган ҳайдовчи ўғлим Маъруфни фақат таом олиб келганлиги учун фарзандимдек суюб қолганим йўқ. У чинакам одамийлик фазилатларига эга бўлганлиги учун ҳам шикаста кўнглимдан жой олди. Маъруфга чин дилдан раҳмат. Униб-ўссин, умрига барака, ишига ривож тилайман».

Жамоамизда эътибор топган Маъруф ҳақида нафақат ўзи ишлаётган жамиятга, балки Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий қўмитасига ҳам жуда кўплаб хатлар келади. Миннатдорчилик билдириб кўнгироқлар қилишади. Улар ҳам Маъруфни иссиқ овқатни ўз вақтида етказиб бериши билан бирга, бузилган қулфларини тузатиб берганлиги, почта яшчигидаги рўзнома, жаридаларини етказиб бераётганлигидан ҳам беҳад ҳурсанд бўлиб ёзмоқдалар. Биз ҳам ҳайрли ишларни бажаришда кексалар кўнглига йўл топган Маъруфга: баракалла, ота ўғил, деймиз.

Р. САМИГУЛЛИНА,
Ўзбекистон ССЖ Қизил Ярим ой жамияти ташкилий-соғломлаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари.

• Депутатлар ҳақида ҳикоялар

ДАДИЛЛИК

ОҲАНГАРОН шаҳар кенгашининг сессияси давом этар эди. Ҳисобот учун сўз депутат Эркин Каримовга берилди.

— Яқинда нон маҳсулотлари комбинатида бўлдик,— дея сўз бошлади у, — текширувда маълум бўлди-ки, бу ерда нон ва нон маҳсулотларига сариёғ, шакар мунтазам солинмас экан. Бунинг устига тайёрланган ҳар бир буханкадан тортиб кўрилганида 30—50 граммдан ва ҳатто ундан ҳам кўп уриб қолинаётгани маълум бўлди. Ахир, шуям ишми энди, ўртоқлар? Ўша жойдаям одамлар ишлайди, меҳнат жамоаси бор. Фаоллар бор. Улар қаерга қарашаяпти? Шаҳар ижроия қўмитаси эса юлғичларни жазолаш учун ҳуқуқга эга эмас эмиш? Нега энди? Агар истак бўлса буни йўлга қўйиш осон. Ноҳия ижроия қўмитасига, милиция ва прокуратурага мурожаат қилиш мумкин?

Депутат шу куни ўз фаолияти тўғрисида атрофлича гапириш билан бирга кўпгина ташкилотларнинг раҳбар ва масъул кишиларини анча-мунча ташвишга солиб қўйди. У ишчилар таъминоти бўлимида ўн иккита кир ювиш машинаси яшириб қўйилгани, шаҳардаги 3-мактабни таъмирлаш учун ажратилган 90 минг сўмлик маблағдан раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида ёлчитиб фойдаланилмагани, уй-жойлардан фойдаланиш участкаси масъул ходимининг кўпинча иш вақтида ўз юмушлари билан санғиб юриши каби фактларни аниқ далиллар билан очиб ташлади. Кўпчилик менимча ундан бунчалик дадил гаплар чиқишини кутмаган эди. Эркин аканинг дадиллиги бошқа депутатларга ҳам кўчди, шу куни сессияда шаҳар муаммоларини ҳал этиш йўл-йўриқлари тўғрисида жиддий гап-сўзлар бўлиб ўтди. Амалий ишларга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Албатта, тегишли раҳбарлар депутатнинг маърузасидан кейин сергак тортишди, уларнинг айримлари маъмурий жазоланди ҳам. Гап, албатта, бировни танқид қилиб, кўпчилик орасида изза қилишда эмас, умумий муаммоларимизни биргаликда ҳал этишдадир. Эркин ака эса лоқайд ва эпсиз, ноқобил раҳбарларни танқид қилишдан асло чўчимайди. Ишни эплай олишмаяптими, марҳамат, бўшатиб қўйишсин, ҳозир давр шунақа, ҳақиқий ишлайдиган замон.

«Сантехлит» заводида Эркин Каримовни танимайдиган одам топилмаса керак. Эркин ака завод ташкил этилганидан бери шу ерда меҳнат қилади. Ҳар куни одамлар орасида. Ишчиликнинг машаққатларини жуда яхши билади. Иссиқ ва чангғуборга тўлган цехларда меҳнат қилиб, пул топиш, оила боқиш осон иш эмас. Бундан уч-тўрт ой аввал ишчилар Эркин акани завод халқ назорати қўмитаси раиси этиб сайлашганларида ҳаёлидан ана шу фикрлар кечган, ҳамкасблари ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишга ўзича аҳд қилган эди.

— Дунёнинг ишлари қизиқ экан, — дейди Эркин ака. — Ишчи қайноқ цех ёнида эртадан кечгача оғир меҳнат қилиб боринг, ана ойига 200—300 сўм ойлик олади. Айрим юлғичлар, чайқовчилар эса бу пулни бир кунда, баъзан, ҳатто бир соатда топиб қўяди. Алам қилмайдими? Агар ҳамма ўзини чайқовчиликка уриб кетса нима бўлади? Асл ишчи меҳнатини муносиб баҳолаш керак. Турли иллатларга қарши биргаликда, дадил курашмоғимиз лозим.

Суҳбатимиз анча чўзилди. Эркин ака ўз фикрларини мисоллар билан асослай бошлади:

— Қорахитойдаги 9-магазинни текширганимизда термос шишаси, коса, лаган, дегандай анча-мунча яшириб қўйилган нарсалар чиқди. Магазинга Зоболуева деган аёл мудир экан. 13-озиқ-овқат магазинида ҳам талай нарсаларнинг яшириб қўйилганини аниқладик. Шаҳар ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 13-магазинда ҳам телпак, турли газмоллар харидор кўзидан панага олинган экан. Бундай қўли эгри савдо ходимлари кўпинча оддий ҳайфсан билан жазоланишади ёки умуман, жазоланмай ҳам қолиб кетади. Албатта, бундай аҳволда юлғичлик авж олади-да. Аввало, уларнинг раҳбарлари халқни ўйлайдиган одамлар бўлиши керак. Шундагина аҳвол ўзгаради.

Сайловчилари Эркин акага шаҳарнинг 3-кичик ноҳиясидаги 12—13-уйларни таъмирлаш, уйлар оралиғидаги кўчаларни текислашни наказ қилиб берган эдилар. Бу ишлар тўлиқ амалга оширилди. «Сантехлит» заводи директори Шавкат Мусаевнинг кўмаги билан депутат кўчаларга ўттиз машина шағал тўкдирди, текислатди.

— Шаҳримизнинг муаммолари шу қадар кўпки, уларни бирма-бир санашга иккаламизнинг ҳам бармоқларимиз етмайди, — дейди Эркин ака. — Уларни ҳал этиш учун аввало депутатлар, қолаверса, кенг жамоатчилик фаол ҳаракат қилмоғи керак. Ижроия қўмитанинг ишидан ҳам сира кўнглим тўлмайди. Уларда дадиллик, тадбиркорлик етишмайди.

Эркин аканинг гаплари ҳақ. Ҳозир астойдил ишлайдиган, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қиладиган пайт. Қани энди, депутатларимизнинг ҳеч бўлмаганда ярми у сингари фаоллик кўрсата олсалар...

Н. АБДУРАСУЛОВ.

• Муҳарририятга мактуб

КИМ АЙБДОР?

Коммунистик ноҳиясидаги «Политотдел» жамоа хўжалигининг Ўринбой Мирсултонов етакчилик қилаётган бригадасида 120 га яқин киши меҳнат қилади. Маълумки, 1991 йил учун обуна нархлари ошиб кетди. Лекин шунга қарамасдан, ҳаммамиз ўзимиз севган рўзнома ва жаридаларга обуна бўлдик.

Айниқса, жамоамизнинг А. Кенжабоев, Ҳ. Исматуллаев, Ж. Ахролова, М. Қорахўжаева, Ш. Саиднасипова сингари аъзолари 5—6 хил нусҳадаги нашрларга ёзилишди. Менинг ўзим ҳам ноҳиямизнинг «Суръат», вилоятимизнинг кўзгуси бўлган «Тошкент ҳақиқати» ва «Тошкент оқшоми», «Ёш Ленинчи» рўзномалари, «Саодат» ойномасига обуна бўлган эдим.

Бизлар янги йилдан бошлаб ўзимиз обуна бўлган севимли нашрларимизни мазза қилиб мутолаа қиламиз, деб суюниб юрибмиз. Билсак, чучварани хом санаган эканмиз.

Ҳар куни қишлоғимиз хат ташувчиси келади-ю, аммо негадир бизларга ҳеч нарса ташламай ўтади. Орадан бир ҳафта ўтгач, хат ташувчи Салима опадан «Нега бизга рўзнома ва ойномалар бермаяпсиз?», — деб суриштирдим. Салима опа бўлса, «Ахир сизларни бригададан ҳеч ким обуна бўлмабди-ку», — деди.

— Нега, шахсан ўзим 5 нашрга обуна бўлгандимку?

— Мен билмадим, ука, бориб раҳбарлардан сўраб суриштиринглар, менда сизларнинг бригададан ҳеч кимнинг рўйҳати йўқ, — дея у ўзидаги обуначилар дафтарини кўрсатди.

Кейин билсак, биз обуна бўлган дафтарча обуначиларнинг уйида қолиб кетган экан. Мана бир ойдирки, раҳбарларимизнинг лоқайдлиги туфайли бригадамизнинг 120 га яқин аъзоси матбуотлар орқали жумҳуриятимиз ва вилоятимизда бўлаётган янгилик ва хабарлардан бехабар қолмоқда.

Очиғи, бундай аҳволни сира кўрмаган эдим. Наҳотки, пул тўлаб ўзимиз ёзилган рўзномалар ва бошқа нашрларга обуна бўлсаг-у кимнингдир масъулиятсизлиги туфайли ҳеч нарса олмасак. Энди нима бўлади? Биз бундай лоқайдликка йўл қўйган айбдор шахслар аниқланиб, албатта жазоланишини талаб қиламиз.

Л. МАНСУРОВ,
Коммунистик ноҳия «Политотдел» жамоа хўжалигининг аъзоси.

ШОИРНИНГ НАСРИЙ АСАРИ

• ТАҚРИЗ •

«ШАРҚ юлдузи» мажалласининг ўтган йилги 8, 9, ва 10-сонларида шоир Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи эълон қилинди. Бу асар шоирнинг насрдаги биринчи тажрибасидир. Шунинг учун ҳам унда ўзига хос ютуқлар ва баъзи бир камчиликлар мавжуд. Айтайлик, унинг бошланиш қисмида китобхонларни Самарқанд билан таништиришда баёнчилик сезилади. Айрим ўринларда эса илмий асарлардаги каби оғир жумлалар, одамларнинг каторлаштириб саналган исмлари учрайди. Шунга қарамай, ушбу тарихий роман бир қатор ижобий томонлари билан диққатимизни ўзига тортади.

Аввало шуни айтиш керакки, бу роман ўзбек адабиётида жуда кам ёритилган сарбадорлар даврига бағишланган. Мазкур давр халқимиз тарихидаги энг мураккаб, чигал жумбоқлар, фожиалар ва ҳаётбахш тақдирлар билан тўладир. Муҳаммад Али бир қатор тарихий ва тўқима қаҳрамонлари орқали сарбадорларнинг, Амир Ҳусайн ва Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки даврларини кўзимиз олдида гавдалантиришга муваффақ бўлган. Асардаги Абубакир Калава, Амир Темур, Мавлонозода, Жаҳон, Худобанда, Садр Сулаймон сингари қатор қаҳрамонларнинг гоҳ ҳаётий, гоҳ эртакона тасвир этилган тақдирлари киши хотирасида муҳрланиб қолади. Ўша давр муҳитини, тарихий шахслар ўртасидаги ўзаро низолар ва яқинликларни, мураккабликларни тасаввур этишга ёрдам беради. Жумладан, Амир Темур нега Амир Ҳусайнга яқинлашган, нега у ўзини дўст тутишга мажбур бўлганлиги, улар ўртасидаги муносабатлар, ҳар иккаласини ҳам мўғул босқинчиларига қаршилик ва тож-тахт илинжи, қолаверса аҳд-паймон қилганликлари бирлаштириб туради. Улар руҳиятидаги зиддиятлар, бир-бирлари билан ноилождан муроса қилиб юришгани асарда ишонарли ифодаланган.

Муҳаммад Али тўқима қаҳрамонлар тақдирини қаламга олганда, айниқса, ўзини эркин сезади. Сарбадорлар жамоасининг оқсоқоли Абубакир Калава, унинг уйланиши, тахтга ўтириши, ўз дўстларига дастлабки мусобатлари ва тахтга минганидан кейинги муаммолари ҳам таъсирли, ҳам ҳаётий.

Адиб Абубакир Калава, Худобанда, Жоннигор образларига ҳаёт ато этишда, уларнинг биринчисининг қанчалик ҳалол ва покдомонлигининг, иккинчисининг орият учун ҳатто қотилликдан қайтмаслигини, учинчисининг эса бахтсиз ва маъсумалигини ифодалашда афсона ва ривоятлардан унумли фойдаланган. Хусусан, Абубакир Калаванинг уйланиш тарихи бир ривоятни эсга солади. Эмишки, ёш бир йигит сув бўйидан кетаётиб оқиб келаётган олмадан бир тишлам еб қўяди. Сўнг у бу олма бировнинг мулки бўлиши мумкинлигини, сўрамай еганини эслаб, ўша сой орқали ортига қайтади ва бир боғбоннинг ҳовлисидан чиқади. Боғбонга билмасдан бир дона олмасини еб қўйганини, шунинг учун ундан ризолик сўраб келганини баён этади. Йигитнинг бу қадар ҳалоллигини кўрган боғбон қойил қолади ва унга ўзининг ақл ва ҳуснда танҳо қизини беради...

Муҳаммад Али Абубакир Калаванинг ҳалол ва диёнатли одамлигини кўрсатиш, кейинчалик унинг халқ ҳаракатига бошчилик қилиши тасодифий эмаслигини асослаш учун ушбу ривоятдан фойдаланади. Ёки Худобанданинг исловатхонада ўз синглиси билан учрашиб қолиши лавҳасини эсланг. Қатор эртакларда у ёки бу шаклда учрайдиган, бир пайтлар драматург Умаржон Исмоилов ҳам ўзининг «Рустам» пьесасида ишлатган бу воқеани Муҳаммад Али Худобанда ва Жоннигор тақдирига боғлаб ўзгача талқин қилади. Маълумки, Умаржон Исмоилов Рустам ва унинг синглиси тақдирини кўрсатар экан, кўпроқ синфий нуқтаи назардан ёндошганди. Қолаверса, исловатхонада ўз оғасини учратган Қиммат охирида жинни бўлиб қолади. Рустам синглисига ачиниб қарайди, уни исловатхонадан олиб чиқиб кетади. Муҳаммад Али эса масалага бошқача муносабатда бўлади. Аввало, у Жоннигор ва Худобанда тақдири орқали ўз ойласини балоқазолардан асролмаган Абдумуслимнинг қисматини ҳам кўрсатади. Ўзининг хотини, бола-чақасини қиморга бой берган бу одам охири ҳор-зор бўлиб оламдан ўтади. Ёзувчи Худобанда ва Хонлиқ оқа тақдири орқали қуллар бозорини ҳам маҳорат билан тасвир этади. Бу инсониятга ёт олди-соттилар тасвири орқали ушбу ҳолга нафратимизни уйғотади. Қолаверса, Худобанда ва синглисининг исловатхонада учрашиб қолиши эпизодини маҳорат билан ифодалайди. Худобанданинг ўз синглисини таниб қолиши ва ўзининг «Ўлим поклайди» деган ақидага амал қилиб орият учун унинг кўксига пичоқ санчиши ўқувчида шубҳа уйғотмайди. Романдаги Мавлонозода ва Жаҳон ўртасидаги муҳаббат тасвири ҳам эртакдигидай шоирона, аммо ҳаётдагидай фожиали тасвирланади. Жаҳон Хонлиқ оқа чангалидан қутқарилиб, бироз ўтгач севишганлар бошқа сарбадорлар қатори Кумушкент сафарига чиқишади. Жаҳон бобосининг боғини сайр қилиб юрган суюклиси билан ёлғиз учрашиб қолади. Улар бир-икки оғиз гаплашишгач, бирига тикилишиб қолишади. «Мавлонозода лом-мим демас, кўзларини Жаҳоннинг нур лимиллаб турган кўзларига тиккан, фақат кўзлар бир-бирига сўз отарди» дейди адиб ва уларнинг нигоҳларидан отилган сўзларни қуйидагича саҳифа юзига теради.

«Ҳа, қочоқ! — дер эди Жаҳон. — Бир кўриниш бериб қочиб қолган киши!» «Қочоқ эмасмен! — жавоб қилади Мавлонозода.— Қочган оҳуни қувиб юрган овчимен!»

«Шунчалар ташлаб қўясизми? — ўпкаланди Жаҳон. — Мен сизга нима ёмонлик қилдим ўзи?..»

«Сен жону жаҳонимсен, Жаҳон! — ўзини оқлай бошлади йигит. — Сен азоб тортмадинг, мен азоб тортдим...»

«Ўртамизда нима бор?»

«Ўртамизда ишқ бордир, ишқ!»

«Ишқ нима у?»

«Ишқ — сену мен».

«Сену мен, деганингиз нима?»

«Сену мен? Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқолининг гўзал қизи Жаҳон, фақир — бир бечора толиби илм Нодирбек...»

«Сиз — бечора эмассиз! Севган киши бечора бўла олмайди, у паҳлавонга айлангусидир!»

«Рост айтасен...»

Кўрамизки, ёшларнинг муҳаббати бу ўринда шоирона сифатида билардик. Унинг шеър, достонларида, шеърий романида эпикликка интилиш ўзи айтмоқчи, «катта ёзиш ишқи» кучли эди. Бу ишқ насрий асари «Сарбадорлар»да янада яхшироқ намоён бўлибди. Адибни бу илк йирик асари билан табриклаб, унинг қаламига қувват тилаб қоламиз.

Ғайрат ЖАЛОЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.



Байналмилал жангчи Знёдилла Мирходиев Афғонистонда ўз хизматини ўтаб қайтгач, Тошкентдаги заргарлик заводига ишга кирди. Орадан кўп ўтмай илғор заргарчилар сафидан жой олди. Ҳозир кунлик нормаларини доим ошириб адо этмоқда.

Суратқаш: Т. КАРИМОВ.

*

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

МИННАТДОРМАН

МЕНДА ўтган йили бўғин оғриғи касаллиги пайдо бўлиб, шифокор Ҳамидулла Мирзаевга учрадим. У икки хил дори қабул қилишни тавсия этди. Мен дардим енгил экан-да, деб анча пепарволик қилдим, дориларни ўз вақтида ичмадим. Орадан бир ойча ўтиб касалим оғирлашди. Яна Ҳ. Мирзаев қабулига бордим. У мени Чиноз ноҳиясидаги марказий касалхонада даволай бошлади. Тез кунлар ичида соғлиғим анча яхшиланди. Шундай бўлса-да у менга Коммунистик ноҳияси Свердлов номли жамоа хўжалиги физиотерапия шифохонасига йўлланма берди....

Ҳ. Мирзаев ҳамда физиотерапия шифохонасидаги бош врач, даволовчи врач, ҳамширалар, ҳатто оддий хизматчиларнинг ўз касбларига фидоийликлари ва хушмуомалаликлари дарддан бутунлай фориғ бўлишимда катта аҳамият касб этди. Мен улардан чексиз миннатдорман!

Жалол ЭШМУРОТОВ,
Чиноз ноҳияси, пенсионер.

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

ЙИЛ ТАҲЛИЛИ

«ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» жамоа хўжалиги деҳқонлари ўтган йилни муваффақиятли якунлашди. Турсунали Пўлатов, Ражаб Маталов, Содиқ Ёндошев ва Давлат Ғаниевлар етакчилик қилаётган бригадаларда пахтачилик сердаромад соҳага айланди. Бу бригада далаларидаги пахта ҳосилдорлиги 32—33 центнерга етказилди. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг пахтадан олган даромади 2 миллион 700 минг сўмни ташкил этди. Илгарилари чорвачилик пахтадан келадиган даромад эвазига яшаб, хўжалик учун кони-зарар ҳисобланарди. Уни даромадли соҳага айлантириш учун кўпгина уринишлар бўлди. Четдан келган мутахассислар бунинг уддасидан чиқа олмади. Чўнтаклари бироз қаппайгач, кетиб қолишаверди. Жамоа хўжалиги бошқаруви чорвачиликни маҳаллий кадрларга топширишга қарор қилгандан сўнгина аҳвол бирмунча ўзгарди.

Ферма мудирлигига Юсуф Эрқулов тайинланди. Чорвадорларнинг меҳнат қилишлари ва кўнгилли дам олишлари учун зарур шароитлар яратилди, социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб, жамоа фермасида йилига 830—840 тоннадан сут соғиб олиняпти. Бунда илғор сут соғувчилар Сожида Сулаймонова, Майсара Ҳасанова, Юлдуз Абдусатторова ва молбоқарлар Акбар Қозоқбоев, Тўлқин Турсунқуловларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Чорванинг оёққа туришида озуқа базасини мустаҳкамлаш асосий ишлардан бири ҳисобланади. Абдушукур Қурбонов бошлиқ озуқа етиштириш бригадаси аъзолари ишни ижара усулида ташкил қилиб, яхши натижаларга эришдилар. Улар тайёрлаган озуқа жамоа чорвасини 1,5 йил боқишга бемалол етади.

Бундан икки-уч йил олдин хўжаликда пахта етиштириш бош вазифа ҳисобланиб, бошқа соҳаларга кам эътибор бериларди. Натижада полиз, сабзавот, мева етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Эндиликда бу соҳада ҳам ривожланиш сезилиб қолди. Экин турлари картограмма асосида жойлаштирилди. Унинг натижасида хўжаликда полиз, сабзавот маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Эл дастурхонига меваларнинг икки-уч хил турлари, ерёнғоқ, картошка, карам етказиб берила бошлади. Ҳатто, хўжаликнинг икки участкасида мева сабзавот дўконлари ишлаяпти.

— Эл дастурхонининг тўкин-сочин бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз,— дейди полизчилик бригадасининг бошлиғи Холмат Дўланов.— Илгарилари деҳқонларимиз хўжалик билан тузган шартномаларини ҳар хил йўл билан бажаришга ҳаракат қилишарди. Эндиликда тайёрлов идораларига фақат шартномада кўрсатилган маҳсулот турларининг ўзини топширишларини қатъий назоратга олганмиз. Бу борада тажрибали деҳқонларимиз С. Эсонбоев ва А. Ҳолматовлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Хўжалик иқтисодий томондан бақувват бўла бошлаган сари аҳоли уй-жойларининг қиёфаси ҳам ўзгариб бораяпти. Пастқам уйлар ўрнини салобатли турар-жой бинолари эгаллаяпти. Тош кўчалар ҳам асфальтланди. Аҳолининг 85 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Хўжалик аҳолиси бу йил илк бор табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Култепа участкасидаги айрим хонадонлар ва 38-ўрта мактабда зангори олов ёна бошлади. Бу йил 7,5 километр газ қувурлари тортилди, 200 га яқин хонадон газлаштирилади.

Хўжаликда уй-жой қурилиши ҳам амалга оширилмоқда. Одамларни уй-жой билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили 59 оилага уй қуриб олиш учун ер берилган бўлса, бу йил яна кўпчилик оилалар ер оладилар. Уларни қурилиш анжомлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Кўпчилик оилалар бир йилнинг ўзидаёқ уйларини битказишиб ҳовли тўйларини ўтказишди. Уй қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ва қурилиш анжомлари билан ёрдам қилиш билан махсус шуғулланадиган комиссия бор.

Хўжалик аҳолисига қишлоқ амбулаторияси, иккита фельдшерлик ва акушерлик пункти, аптека, тўртта дўкон, новвойхона, тикувчилик ателъеси, сартарошхона, почта, омонат банки, клуб хизмат кўрсатмоқда. «Орзу» ансамбли тўйларни замонавий ва кам чиқим билан ўтказишга хизмат қилади. Шунингдек, яқинда одамларнинг енгил автомобилларига хизмат кўрсатувчи пункт очилди.

Авваллари ўрта мактабни тугатган ёшларнинг кўпчилиги қишлоқдан чиқиб кетишга ошиқишарди. Эндиликда қишлоқлар ҳам шаҳар қиёфасига кира бошлади. Ёшларнинг кўнгилли дам олишлари учун етарли шароитлар яратилган. Уларнинг ҳаммаси иш билан таъминланган. Шу сабаб ҳам эндиликда кўпчилик ёшлар ўзлари туғилиб ўсган қишлоқларида қолишиб, қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштиришда фаол қатнашишмоқда. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳам ривожланишнинг истиқболли режаларини белгилаб олишди. Маҳсулотнинг ҳамма турларини етиштириш кўпаяди. Ялпи даромадни 3 миллион сўмга етказиш учун ҳаракат қилинаяпди. Хўжалик эртанги кунга дадил қадам қўймоқда. Деҳқонлар ҳар бир ишни уюшқоқлик билан амалга оширишга қодирлар. Лекин хўжалик ўз пулига колхозчилар учун керакли нарсаларни топиб бера олмай қийналмоқда. Колхозчилар уй-жой муаммоларини тезроқ ҳал қилинишини истайдилар. Лекин қурилиш анжомлари етишмаётир. Мана, икки йилдирки, мактаб ва боғча қурилишини бошлай олишмаяпти. Чунки З. Мурсалимов бошлиқ иккинчи агропромстрой трести ходимлари қурилишни режаларига киритишни хоҳлашмаяпти. Бу йил ҳам югурюгур давом этмоқда.

Юқорида санаб ўтган муваффақиятларнинг кўпчилиги жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Мирзакарим Жониқуловнинг етти ўлчаб бир кесадиган раҳбарлиги натижасидандир. Ҳамқишлоқларнинг ишончларини оқлаш, бирини икки қилиш учун раис жон қуйдириб меҳнат қилмоқда. Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш унинг бош мақсадидир. Бу йўлда у ҳар қандай қийинчиликлардан қайтмайди.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон ноҳияси.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● **АМЕРИКА Қўшма Штатлари Форс кўрфази минтақасига қўшимча равишда ҳарбий қисмлар келтиришни давом эттирмоқда. АҚШ Мудофаа вазири Ричард Чейни Эн-би-си телекомпанияси мухбири билан қилган суҳбатида юқоридаги гапларни айтди. Унинг сўзларига қараганда, кўп миллатли кучлар қўшинларининг умумий сони яқин кунлар ичида 500 минг кишига етади. Шу тариқа февраль ойининг охирларида қуруқликдаги пиёда қисмлар ҳужум операцияларини бошлаш имкониятига эга бўладилар.**

● **ОҚ УЙ ходимлари аппаратининг раҳбари Жон Сунуну Эн-би-си телекомпанияси мухбири билан қилган суҳбатида шундай деди: Бағдод кимёвий қурол қўллаган тақдирда ҳам Америка Қўшма Штатлари Ироққа нисбатан бундай қуролни ишлатмайди. Шунингдек, деди Ж. Сунуну, АҚШ Ироқ билан бўлаётган урушда оммавий қирғин қуроли ҳисобланган ядровий ва нейтрон қуролларини ҳам қўлламайди.**

● **ФОРС кўрфазида давом этаётган уруш жуда қимматга тушмоқда. Ҳар куни бир неча миллиард доллар миқдорида маблағ кўкка совурилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, «Саҳродаги бўрон» операцияси бу йил тахминан 40—50 миллиард доллар маблағни «хўплаб» кетади.**

● **«ВАШИНГТОН ПОСТ» рўзномасининг маълумотларига қараганда, урушнинг дастлабки ўн кунида Ироққа берилган зарбалар натижасида Саддам Хусайн ишонган қуролли кучларнинг асосий қисми йўқ қилиб ташланмади. Рўзноманинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда Ироқдаги мавжуд аэродромларнинг 65 фоизи фойдаланиш учун яроқлидир. Ваҳоланки, Пентагон ўтган ҳафтада аэродромларнинг деярли юз фоизи ишдан чиқарилди, деб таъкидлаган эди. Бу гаплар Ироқнинг радиолокация алоқаси хизматига ҳам тааллуқлидир. Бундай алоқа хизматининг 20 фоизга яқин системаси ҳозирча муваффақиятли ишлаб турибди. «Скад» ракеталарини отишга мўлжалланган қурилмаларнинг атиги 8 тасигина маҳв этилган.**

● **КЕЙИНГИ пайтларда хориждаги баъзи бир оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқи Ироққа ҳарбий қурол-аслаҳалар етказиб беришни давом эттирмоқда, деган хабарлар тарқатган эди. Эн-би-си телекомпанияси мухбири билан қилган суҳбатида АҚШ мудофаа вазири Р. Чейни Совет Иттифоқи Ироққа ҳарбий қуроллар етказиб бераётганлиги ҳақида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ. Мен тарқатилган хабарларни тасдиқлай олмайман, шу билан бирга, бизда уларга ишониш учун ҳам асосларим йўқ, деди.**

● **КЕЙИНГИ кунларда Форс кўрфази ҳамда Ўрта Ер денгизида кўп миллатли кучларга қарашли ҳарбий кемаларнинг юришини мушкуллаштириш учун Ироқ томони Қувайтдаги нефть омборларидан жуда кўплаб миқдорда нефть маҳсулотларини сув манбаларига чиқариб ташлади. Нефть оқизишнинг олдини олиш мақсадида нефть қувурлари билан денгиз сувлари уланишини узиб ташлаш ниятида АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Ироқнинг мазкур нефть омборларига бомбалар ёғдирди. Америка Қўшма Штатларининг Форс кўрфазидаги қўшинлари қўмондони Норман Шварцкопф Саудия Арабистонида бўлиб ўтган брифингда сўзга чиқиб, бу омборларга жуда аниқлик билан зарбалар берилганлигини айтди.**

● **МУҒУЛИСТОН халқинқилобий партияси Марказий Комитетининг раиси Гомбажавин Очирбат Хитой Компартияси Марказий Комитети таклифига биноан ХХР пойтахти Пекинга келди. Синьхуа ахборот агентлигининг таъкидлашича, бундай сафар сўнгги ўттиз йил ичида биринчи марта амалга оширилмоқда. Маълумки, ҳар иккала партия ўртасидаги алоқалар 1966 йилда тўхтатилиб, 1989 йилда қайта тикланган эди.**

● **СЛОВАКИЯ коммунистлари партияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленумида мазкур сиёсий ташкилотнинг номини ўзгартириш хусусида қарор қабул қилинди. Эндиликда у Сўл Демократлар партияси, деб аталади. СДП, дейилади қарорда, Чехословакия Коммунистик партиясининг таркибий қисми бўлиб қолади. СДП раиси П. Вайснинг айтишича, сўл демократлар социализмдан юз ўгирмайдилар. Бунинг учун фақат бошқа шароитларда кураш олиб борилади.**

● **ВЕНЕСУЭЛА пойтахти Каракасда Рио-де-Жанейро деб аталмиш гуруҳга кирувчи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг кенгаши очилди. Бу учрашувда Боливия, Парагвай, Гватемала ва Ямайка вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Учрашув қатнашчилари Форс кўрфазидаги ҳарбий тангликни тинч ўзанга кўчириш имкониятларини муҳокама қиладилар. Венесуэла президенти учрашувни очар экан, мазкур гуруҳдаги мамлакатларнинг раҳбарлари Қувайтнинг миллий мустақиллиги тикланиши тарафдоридирлар, деди.**

«ТЕМИР МИЯ» УЧУН ДАСТУР

Бугунги кунда умумий таълим мактабларида кўрсатмали ўқув қуролларига бўлган эҳтиёж ортса-ортяптики, камаймаяпти. Айниқса, кўрсатмали техника воситалари кўплаб ўқув даргоҳларига етишмайди. Бу каби таълимий муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида сезиларли тадбирлар амалга оширилаётганлигининг боиси ҳам ана шундан.

Бевосита билим масканларининг ўзида кичик корхоналар очилаётганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Янгийўл шаҳридаги 10-ўрта мактабда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ўқув-техника воситалари ва турли қурилмалар тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси курси машғулотларида кенг фойдаланилаётган турли компьютерлар учун махсус дастурларни ҳозирлашда ҳам бу корхона маълум тажриба орттирди. Эндиликда бу хил техника воситалари намуналари учун вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва ноҳияларидан ҳам буюртмалар келиб турибди.

С. ОДИЛОВА.

Аширбуви ҲАСАНОВА Бекобод ноҳиясидаги «КПСС XXV съезди» шўро хўжалигининг илғор соғувчиларидан. У айни қиш кунларида ҳам қарамоғидаги 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 10—11 литрдан сут соғиб олиб барчага ўрнак бўлмоқда.

М. ҚОРАБЕКОВ суратн.

АТЛЕТИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН

Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари қаторига янги маҳсулот қўшилди. Бу ерда универсал машқ модули ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У уй шароитида атлетизм билан шуғулланишни истовчиларни қизиқтириб қолишига шубҳа йўқ. Модул ихчам бўлиб, жуда кам жойни эгаллайди. Унинг конструкцияси бир қанча машқларни бажариш имконини беради. Мослама таркибида бармоқларни машқ қилдириш учун мўлжалланган эспандер ҳам бор. Металл «ғиштча»ларни тахлаб, уларнинг оғирлигини 2,5 килограммдан 50 килограммгача ўзгартириш мумкин. Машқ модулидан катта ёшлиларгина эмас, болалар ҳам фойдаланишлари мумкин. Нархи 130 сўм.

Савдо тармоғига ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки юзта шундай маҳсулот юборилди, йил охиригача завод яна 1000 та машқ модули ишлаб чиқаради.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Ҳарбий хизматга чақириқ*

АВВАЛО ТУШУНТИРИШ ДАРКОР

Кейинги пайтларда матбуотимиз саҳифаларида ҳарбий хизматдан ҳалок бўлиб, темир тобутларда уйларига жўнатилаётган ёки ҳарбий қисмлардан қочиб келаётган, хизмат қилишдан бош тортаётганлар ҳақида жуда кўп ёзилди. Уларда кўтарилган муаммолар, сабаблар холисанилло айтиб ўтилди.

Шундан сўнг ўғлини армияга жўнатган оилалар ҳам ҳавотирга тушиб қолишди. Ҳалигина афғон урушининг жароҳатлари битмасдан яна бир ташвиш туғилди:— Ўғлимни армияга жўнатмасаммикин?— дея бир фикрга келолмай иккиланиб юрган ота-оналар ана шу мавзуда ҳарбий комиссариатларга мурожаат қила бошладилар. Бу эса жойлардаги ҳарбий комиссариатларнинг иш тартибида қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шу сабабли кузги армияга чақириш қандай ўтганлигини билиш мақсадида мухбиримиз Пискент ноҳия ҳарбий комиссари майор Александр Викторович Харитонов билан суҳбатлашди.

— Александр Викторович, хабарингиз бўлса керак, Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва хизматни ўташини такомиллаштириш тўғрисида» Фармони қабул қилинган эди. Ушбу Фармон амалда қандай бажарилмоқда?

—Ўзбекистон ССЖ Президентининг ана шу Фармони бизнинг ишимизни осонлаштирди, десам муболаға бўлмас. Чунки фармонда кўрсатилганидек фарзанди ҳарбий хизмат чоғида ҳалок бўлган бўлса, ўша оиладан бошқа бирон фарзанди армияга чақирилмасин, дейилган. Кузги чақириқ пайтида мўлжалланган кишидан биз Президентимизнинг Фармонига мувофиқ 12 кишини, врачлар комиссиясининг хулосасига ва ЎзССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 317-қарорига биноан 15 чақирилувчини армия хизматидан озод қилдик. Яна, 16 нафар чақирилувчи врачлар хулосасига кўра даволанмоқда. Ўтган йилнинг 26 октябридан бошланган чақириқ 1991 йил январь ойининг сўнгги кунигача давом этади.

— Ўзингизга маълум, армиядан қочиб келаётганлар ёки хизмат қилишдан бош тортаётганлар ҳам бор. Лекин «қочоқ»лар бекорга қочиб келмаётгандир? Қочоқларнинг кўпайиши ота-оналар ўртасида бесаранжомликни келтириб чиқаряпти. Шундай ғала-ғовурларнинг олдини олиш учун қандай тадбирларни қўллаяпсизлар?

— Тўғри, бизнинг ноҳиямизда ҳам ҳарбий қисмлардан қочиб келганлар бўлди. Биз улар билан батафсил суҳбатлашдик, тушунтирдик ва ўз хизмат жойларига қайтариб юбордик. Армиядаги муҳит, ўзаро келишмовчиликларни келтириб чиқаряпти. Буни ҳарбий қисмларнинг ўзи ҳал қилиши керак. Шундагина уни кутаётган яқинлари, ёру биродарлари ҳам бунчалик безовта бўлмайдилар. Кузги чақириқда чақирилувчиларнинг барчаси ўз хоҳишига кўра жанговар қисмларга жўнатилдилар. Қишлоқ Шўроларида ҳарбий комиссариатнинг ҳарбий ҳисобга олиш бўлимлари бор. Шу бўлимларимиз вакиллари жамоатчилик ичида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур. Шунинг учун ҳам эрта баҳорда чақириқ олдидан қишлоқ Шўроларида армия сафига ўғилларини кузатаётган ота-оналарни йиғиб, армияга чақириш тартибини тушунтирдик. Бундай тадбирларни барча жойларда ўтказдик. Чунки ҳамма ҳам ўз ўғлини узоққа жўнатишни хоҳламайди. 1990 йил бўйича ноҳиямиздан жўнатилган бирор аскарнинг ҳалок бўлгани ҳақида маълумот олмадик. Умуман, кузги чақириқ вилоятимизнинг бошқа ноҳияларига нисбатан бизда яхши ўтди. Фақат бир киши хизматга боришдан бош тортди. У билан ҳам суҳбатлашиб кўрамиз, сабабини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, ноҳия ижроия қўмитаси ноҳия партия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва хизматни ўташини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ЎзССЖ Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 28 сентябрдаги қарорига мувофиқ ибратли ишни амалга оширди. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан шуғулланувчи комиссия ташкил этилди. Комиссия раислигига ноҳия ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М. У. Оқилова тайинланган. Бир неча кишидан иборат комиссия аъзолари ҳарбий комиссариат билан биргаликда оммавий тушунтириш ишларини олиб борди.

Ҳарбий қисмдаги шароит билан танишиш мақсадида икки нафар жамоатчилик вакили ажратилиб, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ҳарбий қисмгача кузатиб боришди.

Шу муносабат билан чиқарилган ноҳия ижроия қўмитаси фармойишида вакилларнинг ёшларни кузатиб бориши билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

— Ҳарбий хизматга чақирилиш олдидан ёшларни чиниқтириш мақсадида қандай ишлар қилинди?

— Ёшларни айниқса, ҳарбий хизмат ёшига етган ўсмирларни пухта тайёрлаш мақсадида ҳар йили ҳарбий спорт лагерларини ташкил этишни режалаштириб қўйганмиз. Бу ишда бизга ноҳия ижроия қўмитаси яқиндан ёрдам бераяпти. Мана шу ишлар учун 112 минг сўм маблағ ажратилди. 1990 йил апрель-май ойларида 10—11 синфда ўқиётган чақирилувчилар учун беш кундан иборат ҳарбий лагерь ташкил қилдик. Лагерда 350 чақирилувчи ҳарбий хизмат қонун-қоидаларини ўрганиб, уни амалда ҳам бажардилар. Масалан, қоровулда туриш, ошхонага ёрдам (наряд), отиш каби хизмат усулларини, қоидаларини ўзлари мустақил бажардилар. Бу ерга йиғилган чақирилувчиларнинг 90 фоизини ҳарбий кийим-кечак билан таъминладик. Ҳар хил мусобақалар уюштирдик. Энг яхши рота, взвод, бўлинмаларни ноҳия комсомол қўмитасининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирладик. Лагерда ҳеч қандай жанжал-сурон бўлмади. Кечқурунлари видеофильмлар, кинолар кўрсатилди. Чақирилувчилар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланди. Ноҳия раҳбарлари уларнинг аҳволидан хабар олиб турдилар. Яқинда 3-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳарбий лагерда сув ҳавзаси қуришни ҳам бошлаб юбордилар. Ҳадемай битиб қолса ажаб эмас.

Ноҳия халқ таълими бўлими ҳам мактабларда жисмоний тарбия ва спорт ишини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшяпти.

— Мана, навбатдаги чақириқ ҳам ниҳоясига етди. Лекин комиссариатда ҳали ҳам чақирилувчилар кўп экан. Ёки яна бирон тадбир ўтказишни мўлжаллаяпсизми?

— Жуда кузатувчан экансиз. Энди 17 январдан ноҳиямиздаги 1974 йилда туғилган ўсмирларни рўйхатга олишни бошлаб юбордик. Бундан мақсад уларни А. Нуъмонова бошчилигидаги врачлар назоратидан ўтказиб, соғлиқларини аниқлаш. Ҳозир ҳар бир мактабнинг чақирилувчилари рус тили ўқитувчиси ва ҳарбий раҳбари билан бу ерга ташриф буюриб, камчиликларни кўриб нималар қилишни белгилаб олишмоқда. Бу эса яхши натижалар бермоқда.

Суҳбатдош Ҳ. ЮНУСОВ.

«ГЎЗАЛ МАЖЛИСЛАР»

Низомиддин Мир Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» («Ғўзал мажлислар») асарини 1491 йилда ёзишга киришди. Саккиз мажлис—бобдан иборат мазкур рисолада 459 нафар қаламкаш ҳақида маълумот берилади. Сўнгги 8-мажлис Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланиб, Лутфий ва Қабулий ҳақидаги суҳбатлар билан якунланади.

Қуйида «Мажолис-ун-нафоис» тазкирасидан айрим лавҳаларни қисқача изоҳлар билан эътиборингизга ҳавола этамиз.

МАВЛОНО СОҒАРИЙ — Соғар вилоятидандир. Ҳирот шуароси (шоирлари) силкида (қаторида) эрди. Маоши ўткунча тамаввули (бойлиги) бор эрди, аммо имсоки (зиқналиги) ғолиб эрди. Ҳазрат Маҳдуми Нуранки Макка сафариға азимат қилғонда Вайсий ва Соғарий иккаласи мулозаматда (шунчаки оғизда) борур изҳори қилдилар. Аммо Вайсий эшаги йўқ баҳонаси била ва Соғарий яна бир баҳона била ул сафардин қолдилар ва Амир Суҳайлий бу қитъани алар учун айтти ва шуҳрат тутти (олди)-ким:

Вайсийу Соғарий ба азми ҳарам,
Гашта буданд ҳар душон сафари.
Лек аз оқ роҳ ҳар ду ва монданд
Он як аз бе ҳарию ин зи ҳарй.

Таржимаси:

Сафар қилмоқлиғ азимат айламишлар
Ҳарам азмида Вайсий Соғарий билан.
Лек иккиси ҳам қолди бу йўлдан, бири —
Эшшаксизликдан, бири эшшаклигидан.

Соғарий Ҳийри (Ҳирот)да фавт бўлди (ўлди), қабри ҳамоноки Хиёбон навоҳисид-дур (Ҳирот атрофидаги жой).

ШАЙХ КАМОЛ ТУРБАТИЙ— кўп диққат (эътибор)лиқ, таъблиққиши эрди. Хожа Ҳофиз ғазалларидин кўп муҳаммас қилибдур. Хуросоннинг мутааййин (кўзга кўринган), рангин зурафосидин эрди. Фақирнинг ани кўрарга кўп орзум бор эрди, ошнолиғ бу навъ воқиъ бўлдиким, Султон Саид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъа (жой, дарвешхона)да йиқилиб эрдим. Қурбон арафаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин (турли шаҳарларидан) халқ Имом равзаси (боғи) тавфиқа (зиёратига) юз қўйдилар. Расмдурким, мусофирлар мутааййин биқоъ (буқъалар) ғаштига ҳам боррлар, ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл (эл улуғлари) сайр қилиб, деворда битилган абёт (байтлар)ни ўқуб, бир байт устида баҳсга туштилар. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анча тобиъ эрдилар, ул жамоатни илзом (мажбур) қилди. Фақир заъф (касал, ожиз) ҳолида ул жамоат жонибидин (эл тарафи бўлиб) сўз айтдим. Анга дедиларким, бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш. Бошим устиға (тепамга) келиб, мабҳас (баҳс)ни орага солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўзидин қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳҳус қилди (суриштирди). Эрса ул ҳам фақирни эшитган эркандур ва кўрар ҳаваси бор эркандур.

Агарчи жумлаи авқофи шаҳр
ғорат қард
Худош ҳайр диҳад, онки ин
иморат кард.

Яни:

Гарчи шаҳарнинг барча вақфларин
ғорат қилмиш,
Худо ҳайрин берсинки, бунда
иморат қилмиш.

Мирзо ўқуди, бу бобда ҳазиллар бўлди. Фақир бу нақлни ўзидин эшитибмен. (Бу воқеани менга Муаммоийнинг ўзи сўзлаб берган эди). Фақир била улфати бор эрди ва кўп шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи ҳам хоҳ назм, хоҳ наср (бўлсин) ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пулимолонда ани кўрдум. Бир анжуманда бир қасидасин ўқур эрди, ҳар байт бунёд қилса (ўқиса), сўз услубидин, қофиядин айта берур эрдим. Баҳоят ҳайрат қилди. Уч йилдин сўнгра Боғи Сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ (худди ўшандаги каби) воқиъ бўлди Ул яна ҳайрат бунёд қилди, бурунқи мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам (бир) неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмусен, чун кўзида заъф бор эрди, деди: «Кўрмаймен, магар уч йил бурунроқ Гулимолонда бир йигит кўрдум, ул доғи (у ҳам) бу навъ (шу каби) шуъбадабозлик (лўттивозлик) қилди». Мажлис аҳли қулуштилар.

Мадфани маълум эрмас. (Дафн этилган жойи маълум эмас).

МАВЛОНО МУҲАММАД МУАММОИЙ — Латиф ва сунний мазҳаб киши эрди. Кўп акобир хизматиға етиб манзури назарлари бўлиб эрди. Бобир Мирзо (Абулқосим Бобир) замони муаззамида садр (бошлиқ) бўлди ва андин сўнгра ҳам салотин (салтанатлар) мажлисида мақбул ва махсус эрди. Мукнати (бадавлатлик) чоғида Шерозда Хожа Ҳофиз қабри бошида гунбаз ясади ва Бобир мирзони анда тилаб зиёфат қилди. Шерознинг шўх таъбларидин (ҳазилкашларидин) бири Мирзонинг кўзи тушар ерда деворда бу байтни битиб эрдиким:

Ситораст дури гўши он ҳилол абрў,
Зи рўйи ҳусн ба хуршид мезанад паҳлу.

Яни:

Ул ҳилол қошлининг қулоғида дур —
юлдуз эрур,
Ҳусни бобидан ҳам қуёш бирла
ёнма-ён турур.

Самарқандда фавт бўлди (вафот қилди).

МАВЛОНО РИЁЗИЙ — ҳам Самарқандлиғдур. Мутакаббир (такаббур) ва муъжиб (таъсирчан) киши эрди. Ғазални баҳоят хўб айтур эрди. Жомиул-фазойил (барча фозилликка эга) ва муқаввиюд — далойил (сўз, асослари мустаҳкам) киши эрди ва етти қалам билан хутутни хўб битур эрди (чиройли ёзарди) ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки Қуръонни етти қироат билан билур ва ўқур эрди. Улум (илмлар) фанида ҳеч нимарса (нарса) анға мабҳул (ноаниқ) қолмас эрди. Бу маъниға таҳаллуси далилдур—ким ҳар нимарсаким хаёл қилса эрди айтур ва дер эрди ва боғлар эрди ва хўб тасниф қилур эрди (асар яратарди), илми мусиқий ва адвор (даврлар) ва нужум (астрономия) ва истихрожи рамл (шеър санъатининг бир тури) ва ғайри золика (бошқа қадимий) ҳеч нимарсадин бетасниф эмас эрди. Бу ғарро (ажойиб) матлаъ анингдурким:

1. Ушбуни ёзишда С. Ғаниева тайёрлаган нусхадан фойдаланилди.
2. Қавс ичидаги изоҳлар ва форсча байтлар таржимаси бизники.

Дилмурод САИДОВ.

«ДАРТС» НИНГ ОММАЛАШУВИ АНИҚ

Дартс ўйини ҳақида эшитганмисиз? Ҳар ҳолда республикамиз аксар аҳли учун бу сўзнинг ўзи нотаниш бўлиши табиий. Ваҳоланки, бугунги кунда жаҳоннинг юзга яқин мамлакатларида дартс ўйини оммавийлашиб бормоқда. Дартс — бу нафақат бўш пайтда шуғулланадиган ўйин, балки спорт тури ҳам ҳисобланади. Бу ўйин ёки спорт тури барча ёшдаги ишқибозлар учун мўлжалланган бўлиб, уни бир неча дақиқа давомида ўрганиб олиш мумкин.

Иттифоқимизнинг Москва, Одесса, Рига, Тверь, Махачқала, Ленинград ва Тошкент шаҳарларида бу ўйиннинг равнақ топишига— инглиз социологларининг фикрича, дартс учун алоҳида жой талаб қилинмаслиги, кишининг ўзига ва кўзига бўлган ишончини ошириши, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши кабилар сабабдир.

1990 йилнинг бошларида СССР дартс федерацияси ташкил қилинди ва шу йилнинг август ойидаёқ СССР давлат спорт қўмитасининг қарорига биноан бу ўйин ҳам спорт турлари қаторига киритилди. Энди бизнинг мамлакатимизда ҳам дартс бўйича чақондозият, Кубок совринлари учун расмий мусобақалар ўтказилмоқда. Республика ва вилоятимизда дартснинг оммалашуви учун Халқаро соғлиқни сақлаш ассоциациясининг Тошкент филиали кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкентнинг Киров ноҳиясида ва Олмалиқ шаҳрида биринчи бўлиб дартс секциялари иш бошлади. Олмалиқликлар СССР Кубоги иштирокчилари қаторидан ўрин олдилар.

Ўйин тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш учун рақамлар билан белгиланган айланасимон нишонни ва унга мўлжаллаб қўлда отилиши керак бўлган патсимон найзани тасаввур қилишнинг ўзи кифоя бўлса керак. Оралиқ масофа эса 2,5 м. га яқиндир.

Яқинда СССР дартс федерацияси мусобақаларда фойдаланиш учун Халқаро соғлиқни сақлаш ассоциациясининг Тошкент филиали жамоасининг аъзоси бўлган «Авиапрактика» корхонаси ишлаб чиқараётган халқаро стандартларга мос келувчи нишонларни тан олди.

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг нашриёти клубида мазкур спорт тури бўйича журналистларнинг биринчилиги бўлиб ўтди. «Тошкент оқшоми» рўзномасининг мухбири Д. Исроилов ғолиб чиқиб, дартс ўйини жиҳозлари билан мукофотланди.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин икки-уч йил ичида дартс ўйини мамлакатимизда машҳур спорт турларидан бирига айланади.

Ш. ОБИДОВА.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

● Милиция катта лейтенанти Суннат Камолов ўн йилдан бери ички ишлар органларида ишлайди. Ҳозир у Янгибозордаги 2-участка инспектори. Бу ташаббускор милиция ходими тўғрисида Коммунистик ноҳия ички ишлар бўлимида илиқ сўзлар эшитиш мумкин. Суратда: (ўнгдан) кўнгилли халқ дружиначилари А. Абдуразоқов, М. Бойжуманов ҳамда участка инспектори С. Камоловлар ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

САНЪАТ ОЛАМИДА

ЁШ ХОНАНДАЛАР БЕЛЛАШУВИ

ТОШКЕНТ шаҳри ва вилояти ёш хонандаларининг «Истиқбол» деб аталган беллашуви бўлиб ўтди. Унда қирққа яқин ёш йигит ва қизлар қатнашишди. Биринчи ёпиқ танловдан 16 нафар ёш хонанда саралаб олинди ва навбатдаги босқич ўтказилди. Шундан сўнг нисбатан истеъдодли йигит-қизлар аниқланди, улар финал беллашувида қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар.

Якунловчи босқич Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг маданият саройида ўтказилди. Хонандалар ўзларининг бор куч-ғайратлари ва маҳоратларини ишга солдилар, ниҳоят ғолиблар аниқланди. Уларнинг тўрт нафари «Истиқбол» дипломанти, қолган бештаси фахрли ўринларни эгаллашди. Беллашувнинг олий ўрни Ўрта Чирчиқ ноҳиясидан Эркин Деҳқонбоевга, биринчи ўрин Тошкент шаҳридан Мирсаид Исҳоқовга ва Бўстонлиқ ноҳиясидан Ғофир Қўчқоровга, иккинчи ўрин тошкентлик Азиз Исҳоқовга, учинчи ўрин эса Калинин ноҳиясидан Даврон Қодировга, танловнинг махсус совини Бўстонлиқ ноҳиясидан Ғулом Нишоновга берилди.

Мазкур тадбирнинг қизиқарли ва сермазмун ўтишида режиссёр Фарҳод Аҳмедов ва Равшан Акромовлар хизматини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Биз етишиб чиқаётган бу ёш истеъдод эгаларининг келгуси ижодларига омад тилаб қоламиз.

Асқар ЁҚУБОВ.

ТУҲМАТ ҚУРБОНИ

• Суд ҳукмидан сўнг •

Ортиқбой бир марта жиноятга қўл уриб, қамалиб чиқсада тавбасига таянмади. Қилган ножўя ҳатти-ҳаракати оқибатида жиноятга қўл уриб, ўз умр йўлдошининг қотилига айланди...

Ортиқбой Жиянқулов 1975 йилда Ғўзал исмли қизни учратди-ю, эс-ҳушидан айрилаёзди. Эртаю кеч қизнинг йўлини пойлайдиган, кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Кўринишидан чакки бўлмаган бу йигитга қиз ҳам меҳр қўйди. Тез-тез учрашадиган бўлишди. Кино, театрларга боришар, истироҳат боғларида соатлаб ширин суҳбатлашишарди. Хуллас, аҳду-паймон қилиб, турмуш қуришди. Тинчтотув, осойишта яшай бошлашди. Бирин-кетин икки фарзандли бўлишди. Учинчи фарзанд дунёга келгач, Ғўзал болалар билан ўралашиб, эрига бироз бефарқроқ бўлиб қолди. Буни сезган Ортиқбой эса аҳволни тўғри тушуниш ўрнига хотинига зарда қилиб уйга маст ҳолда келадиган бўлди. Ичиб келган куни, албатта, арзимаган баҳона билан жанжал чиқарарди.

Ортиқбой ёз ойларида бироз даромад қилиш учун полиз маҳсулотлари етиштириб, бозорда сотарди. Ана шундай пайтларда кечалари уйига келмаслик одатини чиқарди. Бора-бора уйига аҳён-аҳёнда келар, келганда ҳам, албатта, тўполон кўтарарди. Ғўзал эса эрига нима бўлганига тушунмас, сўрашга эса жазм қилолмасди. Шу алпозда ойлар кетидан йиллар ўтаверди. Ортиқбойнинг оилага фойдаси кам тегар, болаларидан хабар олмасди. Ноилож қолган Ғўзал бир амаллаб ишга жойлашди.

1989 йили қўни-қўнжини тўлдириб, уйга қайтган Ортиқбойнинг қулоғига миш-миш гаплар урилди...

Натижада ярим йилча аразлаб юрди. Кейин яна беўхшов тиржайиб, хотини олдига қайтди, шайтон халтасида йўқ қасамларни ичди, урсам қўлим синсин, бировнинг гапига ишонсам кўзим чиқсин, деди. Ғўзал она эмасми, кечирди.

Ортиқбой шу билан қилиғини ташлаб, оиласи келажагини ўйласа бўларди. Йўқ, товбаси бир ҳафтага ҳам етмади.

Мана, Ортиқбой кўзлари қизариб, Ғўзал олдида турибди. Яна эски гапларни кавлади. Кейин муштини ишга солди. Ваҳшийлашди. Қўлига илинган болғани йиқилиб ётган хотини бошига устма-уст урди. Бояқиш аёл жон ҳолатда қўллари билан бошини тўсди. Бармоқлари қонга беланди.

Укаларини эндигина ухлатиб, хонага кирган катта ўғли онасининг қонга беланган гавдасини кўриб, даҳшатдан қотиб қолди. «Онажон!», деб қичқирди. Бутунлай каловланган Ортиқбой: «Онангни атайлаб ўлдирдим, у мени алдади», деб чиқиб кетди, ўзи бориб, милицияга бор гапни айтди...

Коммунистик ноҳия халқ суди ушбу жиноий ишни судья С. Газиева, прокурор М. Гиязов, ҳимоячи М. Саитов, маслаҳатчилар В. Аҳмедов, К. Исмоиловлар иштирокида кўриб чиқди. Ортиқбой Жиянқулов 9 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

Ғўдаклар етим қолди. 32 ёшли Ғўзал жувонмарг бўлди. Буларнинг ҳаммаси жаҳлни жиловлай билмаслик, лақмалик оқибати. Баъзи калта ўй кишилар асоссиз миш-мишлари билан жоҳил эр қўлига болға беришди. Адолат юзасидан олиб қараганда ўша туҳматчилар ҳам қора курсида ўтиришлари лозим эди. Афсуски, уларнинг исмларини ҳеч ким билмайди. Лекин, орамизда кўзлари бежо ҳолда юришибди. Покиза кишилар тўғрисида миш-миш тарқатиб, ғойиб бўлишади.

Кимки, миш-мишларга ишонса, ақлидан айрилади, тўғри йўлдан тояди. Буни асло унутмаслик керак.

М. ЛАТИФОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СИГНАЛ» ШИРКАТИ

Пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи, Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи, Тошкент политехника олий билимгоҳи, Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳлари, Тошкент болалар шифокорлари олий билимгоҳи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи каби эътиборли олий ўқув даргоҳларига ўқишга киришга тайёрлаш мақсадида абитуриентларга қулайлик яратиб, иккита-учта танловли имтиҳон дастурлари бўйича

ЯКШАНБАЛИК ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Тайёрлов дарслари якшанба кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Бу эса Тошкент шаҳрида ва айниқса Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун, сўзсиз, катта қулайликдир.

Машғулотлар асосан ихтисослаштирилган тарзда ва кичик-кичик гуруҳлар тартибида ўтказилади.

Машғулотларни Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг абитуриентларни олий ўқув юртига тайёрлашда бой тажриба орттирган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олиб боришади.

Бундан ташқари, ширкат ўз абитуриентлари учун танловли кириш имтиҳонлари дастури доирасидаги ранг-баранг мавзуларда маърузалар уюштиради.

Абитуриентларнинг бутун ижодий фаолиятларини бошқариб бориш, зарурат туғилган ҳолларда вақти-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиш тавсия ва кўрсатмаларни бериб боришдек муҳим вазифани ҳам ширкат ўз бўйнига олади.

«Сигнал» ширкати жамоаси тайёргарликнинг сўнгги оқибат-натижаси учун моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни бу жамоа аъзолари ўз абитуриентларининг танловли кириш имтиҳонларида асосан «яхши» ва «аъло» баҳоларни олишлари ва пировард натижада ўзлари танлаган олий ўқув юртига кириб кетишлари учун бор имкониятларни ишга соладилар.

Машғулотлар — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул шартлари билан батафсилроқ танишиш учун қуйидаги манзилларда жойлашган «абитуриентларни қабул қилиш ва тайёрлаш марказлари»дан бирига (турар жойингизнинг яқинлигига қараб) **мурожаат этишингиз мумкин:**

1-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй, 1-қават, Тошкент Совет савдоси техникумининг ўқув биносида жойлашган (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати, «Самарқанд» автостанциясидан бир бекат берида).

Иш вақти: ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

2-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Хоразм кўчаси, 128 «а»-уй («Сигнал» ширкатининг 2-ўрта ҳунар-техника билим юрти биносидаги маъмурий ва ўқув корпуси). Телефон: 5-04-04, 2-ҳунар-техника билим юрти Чирчиқ шаҳрининг марказий автостанцияси ва бозори ёнида жойлашган.

Иш вақти: ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

3-ҚАБУЛ МАРКАЗИ: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, Келес шаҳри, Октябрь номли 11-ўрта мактаб биносида жойлашган (Охунбобоев номли ўйингоҳни мўлжалга олиб борилади.

Иш вақти: ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

«Сигнал» ширкати.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

«Юбилей» Марказий спорт майдонида

Табиатда қувват-ахборот алмашуви муаммолари бўйича жумҳурият ассоциациясининг

5—10 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

«ХИСЛАТ» МАРКАЗИ

руҳшунос шифокор

Неъматжон МАМАТОВ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеанслар соат 14.00 ва 18.00 да бошланади.
Чипталар «Юбилей» марказий спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ва ваколатли кассирлар томонидан сотилади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори, «КАМОЛОТ — 89» кўригининг ғолиби

Охунжон МАДАЛИЕВ
ва хушовоз хонанда
Қиличбек ТОЖИЕВ

раққосалар; Гулмира ШИРИНОВА ВА Раъно ЗОКИРОВА.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Пайшанба *

31 ЯНВАРЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Саховатли хоним», «Ғўзал фариштa». Телефильмлар.
9.30 «Қиш қувончлари». Болалар учун адабий-мусиқий композиция.
9.55 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.25 «Халқ куйи». Фильм-концерт.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Қўённикида ҳовли тўйи». Мультфильм.
18.25 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.55 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.55 «Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек классик қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.15 Ойнаи жаҳон хазинасидан. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Ойбекнинг «Навоий» романи асосида кўп серияли телевизион видеофильм. 1-қисм.
23.50 Янгиликлар.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.15 «Оҳанги зиндаги». Публицистик кўрсатув.
23.15 «Алибек Днишев». Фильм-концерт.

● МТ I

7.00 «Тонг» (120+30).
9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
9.45 «Эртакдаги эртак». Мультфильм.
10.00 «Биз излаймиз».
10.30 Бутунроссия танлови совриндори С. Лукин чалади (домра).
10.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.45 «Марио Ланца билан Муслим Магамаев ҳузурида икки оқшом». 2-кўрсатув.
12.30 «ТСН».
12.45 «Болалигимиз булутлари». Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

15.30 «ТСН».
15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия — «Учрашув».
16.45 «Объектив».
17.30 Болалар учун фильм. «Қор маликасининг сири». 1-серия («Экран»).
18.40 Шеърият лаҳзалари.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «ТСН».
19.45 Оила экрани. «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм («Экран»).
21.30 «Время».
22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
22.30 «Эфирда мусиқа». 1 ва 2-қисмлар.

Тунги телевидение

00.30 «Фермер-90». Кантри ва фольклор-мусиқа фестивали.
02.15 «Комик жазман ёки сэр Джон Фальстафнинг ишқий саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм («Экран»).

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Лесь Курбас. Келажакни деб...». Ҳужжатли фильм.
9.45, 10.35 Табиатшунослик. 5-синф. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.25, 12.35 Биология. 8-синф. Шаҳар табиати.
11.50 Педагогика ҳамма учун.

*

13.00 «Раддия». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.10 Ритмик гимнастика.
14.40 «Маримба понес» болалар ансамблининг концерти (Япония).
15.10 «Дато юлдузи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси).
15.40 «Телевизион мусиқий абонемент».
16.25 «Милицияда бир кун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод).

* * *

17.45 «Стоп-кадр».
18.45 Ритмик гимнастика.
19.15 «Вертикаль». «Лебедия қироллиги қаерда?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Шоир, ёзувчи ва мусаввир В. Хлебников ҳаёти ва ижоди ҳақида (Волгоград).
20.05 Ф. Красиловский куйлайди.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.50 Д. Шостакович. Скрипка ва оркестр учун 1-концерт.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 «Таъбирли қуш». Телефильм.
22.45 «Раддия». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.55 «Агриппина Ваганова». Фильм-концерт («Лентелефильм»).

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4729. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672.